Госархив Узбекистана

ОПИСАНО

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг газетаси

Қишлоқ ҳақиқати

ГАЗЕТА 1974 ИЙЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

26 НОЯБРЬ, 1982 ЙИЛ, ЖУМА

№ 270 (2.676).

Баҳоси 3 тийин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҚОНУНИ

1983 йилда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Давлат плани ҳақида

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

1-модда. СССР Министрлар Совети тақдим этган 1983 йилда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Давлат плани Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг план-бюджет комиссиялари, саноат комиссиялари, транспорт ва алоқа комиссиялари, қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати комиссиялари, қишлоқ хўжалиги комиссиялари, фан ва техника комиссиялари, халқ истеъмол моллари ва савдо комиссиялари, уй-жой-коммунал хўжалик ва маиший хизмат комиссиялари, соғлиқни сақлаш ва социал таъминот комиссиялари, халқ маорифи ва маданият комиссиялари, хотин-қизлар меҳнати ва турмуши, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари билан шуғулланувчи комиссиялар, ёшлар ишлари бўйича комиссиялар, табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш комиссиялари тузатишлари ҳисобга олинган ҳолда маъқуллансин.

2-модда. СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари бўйича 1983 йилга қуйидаги ўсиш суръатлари белгилансин:

	(1982 йилга нисбатан процент ҳисобида ўсиш)
Истеъмол ва жамғарма учун фойдаланиладиган миллий даромад	3,3
Саноат маҳсулоти — жами	3,2
Шу жумладан: ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш	3,1
истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш	3,5
Давлат капитал маблағлари	4,4
Ҳамма турдаги транспортнинг юк оборотн	3,6
Халқ хўжалигидаги ишчи ва хизматчилар сони	0,4
Меҳнат унумдорлиги: саноатда	2,9
қурилишда	3,5
темирйўл транспортида	2,1
Саноат фаолиятидан тушадиган фойда	7
Аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар	3
Халқ хўжалигидаги иш ҳақи фонди	2,4
Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ижтимоий истеъмол фондлари	4
Давлат ва кооператив савдосининг чакана товар оборотн	5,4
Аҳолига кўрсатиладиган маиший хизмат ҳажми	6,8
Давлат бюджетида бўлган мактабгача тарбия муассасаларидаги болалар сони	3,9
Кўни узайтирилган мактаблар ва группалардаги ўқувчилар сони	4,9
Ҳунар-техника билим юртларида тайёрлаб чиқариладиган малакали ишчилар	1,5
Касалхоналардаги ўринлар сони	1,6

1983 йилда пул билан таъминлашнинг ҳамма манбалари ҳисобига умумий саҳни 106,6 миллион квадрат метр уй-жой қурилсин.

3-модда. СССР Министрлар Совети 1983 йилда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Давлат планини бажариш давомида КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумларининг қарорларига амал қилиб, халқ хўжалиги тармоқларидаги мавжуд ҳамма ички резервлардан мумкин қадар кўпроқ фойдаланиш, халқ хўжалигининг ҳамма бўғинларида фан ва техниканинг энг янги ютуқларини жорий этишни тезлатиш, тежамкорлик режимини кучайтириш, социалистик мусобақани авж олдириш ҳамда давлат интизомини, план ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, асосий ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаш ва самарадорлигини ошириш юзасидан белгиланган тадбирларни амалга ошириш ва зарур бўлиб қолган ҳолларда план топшириқларига аниқликлар киритсин.

4-модда. СССР Министрлар Советига 1983 йилда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани юзасидан Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг план-бюджет комиссиялари ва бошқа доимий комиссиялари хулосасида баён этилган таклиф ва мулоҳазаларни, шунингдек депутатларнинг СССР Олий Совети палаталари мажлисларида айтган таклиф ва мулоҳазаларини кўриб чиқиш ҳамда шу таклиф ва мулоҳазалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш топширилсин.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари
В. КУЗНЕЦОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль.
1982 йил 24 ноябрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

1982 йилда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани қандай бажарилаётганлиги тўғрисида

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

1. СССР Министрлар Советининг 1982 йилда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги доклади маълумот учун қабул қилинсин.

2. СССР Министрлар Совети 1982 йилда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат планини бажаришга доир зарур тадбирларни кўраётганлиги қайд этилсин.

3. СССР Министрлар Советига 1982 йилда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги масала юзасидан Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг план-бюджет комиссиялари ҳамда бошқа доимий комиссияларининг таклифлари ва мулоҳазаларини, шунингдек депутатларнинг СССР Олий Совети палаталари мажлисларида айтган таклиф ва мулоҳазаларини кўриб чиқиш ва КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ҳамда ноябрь Пленумларининг қарорларига амал қилиб, шу йилги ва 1983 йилги план топшириқларини муваффақиятли бажаришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш топширилсин.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари
В. КУЗНЕЦОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль. 1982 йил 24 ноябрь.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҚОНУНИ

СССРНИНГ 1983 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

1-модда. СССР Министрлар Совети тақдим этган СССРнинг 1983 йилги Давлат бюджети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг план бюджет комиссиялари, саноат комиссиялари, транспорт ва алоқа комиссиялари, қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати комиссиялари, қишлоқ хўжалиги комиссиялари, фан ва техника комиссиялари, халқ истеъмол моллари ва савдо комиссиялари, уй-жой, коммунал хўжалик ва маиший хизмат комиссиялари, соғлиқни сақлаш ва социал таъминот комиссиялари, халқ маорифи ва маданият комиссиялари, хотин-қизлар меҳнати ва турмуши, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари билан шуғулланувчи комиссиялари, ёшлар ишлари бўйича комиссиялари, табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш комиссиялари киритган тузатишларни ҳисобга олган ҳолда даромадлар бўйича 354.106.241 минг сўм миқдорда ва ҳаражатлар бўйича 353.905.041 минг сўм миқдорда, даромадлар ҳаражатлардан 201.200 минг сўм миқдорида ошиқ қилиб тасдиқлансин.

2-модда. СССРнинг 1983 йилги Давлат бюджетида давлат ва кооператив корхоналари ва ташкилотларидан келадиган даромадлардан — оборот солиғи, ишлаб чиқариш фондлари учун олинадиган ҳақ, қайд қилинган тўловлар, фойданинг эркин қолдиғи, фойдадан ажратмалар, даромад солиғи ва социалистик хўжаликдан келадиган бошқа даромадлар — жами 324.922.680 минг сўм миқдорида белгилансин.

3-модда. СССРнинг 1983 йилги Давлат бюджетида халқ хўжалигини — оғир саноатни, қурилиш индустриясини, енгил ва озиқ-овқат саноатини, қишлоқ хўжалигини, транспорт, уй-жой, коммунал хўжалигини ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада ривожлантиришни пул билан таъминлашга қилинадиган харажатлар — жами 198.255.961 минг сўм миқдорида белгилансин.

4-модда. СССРнинг 1983 йилги Давлат бюджетида социал-маданий тадбирларга — умумий таълим мактаблари, ҳунар-техника, махсус ўрта ва олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот муассасалари, кутубхоналар, клублар, театрлар, матбуот, телевидение, радио эшиттириш, ҳамда маориф ва маданиятга доир бошқа тадбирларга; касалхоналар, болалар яслилари, санаторийлар, ҳамда соғлиқни сақлаш ва физкультурага доир бошқа муассасаларга, пенсия ва нафақалар тўлашга ажратиладиган маблағлар — жами 114.205.560 минг сўм миқдорида, шу жумладан давлат социал страхованиеси бюджети бўйича 43.538.650 минг сўм миқдорида белгилансин.

5-модда. СССРнинг 1983 йилги Давлат бюджетида мамлакат мудофаасига бериладиган маблағлар 17.054.000 минг сўм миқдорида белгилансин.

6-модда. СССРнинг 1983 йилги Давлат бюджетида давлат ҳокимияти органларини, давлат бошқарув органларини, суд ва прокуратура органларини таъминлашга бериладиган маблағлар 2.764.085 минг сўм миқдорида белгилансин.

7-модда. 1983 йилги иттифоқ бюджети даромадлар бўйича 215.618.212 минг сўм миқдорида ва ҳаражатлар бўйича 215.417.012 минг сўм миқдорида, даромадлар ҳаражатлардан 201.200 минг сўм миқдорида ошиқ қилиб тасдиқлансин.

8-модда. Иттифоқдош республикаларнинг 1983 йилги Давлат бюджетлари даромадлар ва ҳаражатлар бўйича 138.488.029 минг сўм миқдорида белгилансин, шу жумладан иттифоқдош республикалар бўйича қуйидагича белгилансин:

	(минг сўм)
Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси	74.318.585
Украина Совет Социалистик Республикаси	24.102.313
Белоруссия Совет Социалистик Республикаси	5.736.689
Узбекистон Совет Социалистик Республикаси	6.551.300
Қозоғистон Совет Социалистик Республикаси	9.351.120
Грузия Совет Социалистик Республикаси	2.387.321
Озарбайжон Совет Социалистик Республикаси	2.428.318
Литва Совет Социалистик Республикаси	2.703.632
Молдавия Совет Социалистик Республикаси	1.952.473
Латвия Совет Социалистик Республикаси	1.861.584
Киргизистон Совет Социалистик Республикаси	1.647.270
Тожикистон Совет Социалистик Республикаси	1.369.653
Арманистон Совет Социалистик Республикаси	1.624.872
Туркманистон Совет Социалистик Республикаси	1.193.437
Эстония Совет Социалистик Республикаси	1.259.462

9-модда. 1983 йилда Умуминттифоқ давлат солиқлари ва даромадларидан иттифоқдош республикаларнинг Давлат бюджетларига бериладиган ажратмалар қуйидаги миқдорда тасдиқлансин:

а) оборот солиғи тушумларидан: РСФСРга — 41,5 процент, Украина ССРга — 57,3 процент, Белоруссия ССРга — 43,2 процент, Узбекистон ССРга — 92,3 процент, Қозоғистон ССРга — 90 процент, Грузия ССРга — 48,5 процент, Озарбайжон ССРга — 44,9 процент, Литва ССРга — 80,6 процент, Молдавия ССРга — 49,4 процент, Латвия ССРга — 41,8 процент, Киргизистон ССРга — 99 процент, Тожикистон ССРга — 67 процент, Арманистон ССРга — 42,5 процент, Туркманистон ССРга — 100 процент, Эстония ССРга — 60,7 процент;

б) давлат ички ютуқ заёмларидан келадиган пул даромадларидан — 50 процент;

в) аҳолидан олинадиган даромад солиғидан: Узбекистон ССР, Қозоғистон ССР ва Туркманистон ССРга — 100 процент.

10-модда. СССРнинг 1983 йилги Давлат бюджети юзасидан Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг план-бюджет комиссияларн ва бошқа доимий комиссиялари хулосаларида баён этилган таклиф ва мулоҳазаларни, шунингдек СССР Олий Совети палаталарининг мажлисларида депутатлар айтган таклиф ва мулоҳазаларни кўриб чиқиб, шуларга доир тегишли қарорлар қабул қилиш СССР Министрлар Советига топширилсин.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари
В. КУЗНЕЦОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.
Москва, Кремль.
1982 йил 24 ноябрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

1981 ИЛГИ СССР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

1981 йилги СССР Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот даромадлар бўйича 320.635.240 минг сўм миқдорида ва ҳаражатлар бўйича 309.793.736 минг сўм миқдорида, даромадлар ҳаражатлардан 10.841.504 минг сўм ошиқ қилиб тасдиқлансин.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари
В. КУЗНЕЦОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.
Москва, Кремль. 1982 йил 24 ноябрь.

ПАРТИЯ ВА ХАЛҚ — ЯҚДИЛ, ҲАМНАФАС

Барча совет кишилари қатори серқуёш Ўзбекистонимиз дала меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленуми қарорлари, партия Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Пленумдаги нутқини, ўнинчи чақириқ СССР Олий Совети сессияси материалларини қизғин маъқуллаб кутиб олдилар. Шу кунларда редакцияга келаётган хатларда меҳнат коллективлари партия режаларини, Совет хокимияти олий органи қарорларини бекаму кўст рўёбга чиқаришга қатъий аҳду паймон қилганликлари баён этилмоқда.

МУВАФФАҚИЯТ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

КПСС Марказий Комитетининг бўлиб ўтган Пленумида ҳар бир совет меҳнаткашини ғоят тўлқинлантирувчи масалалар муҳокама қилинди. Экономикани ривожлантириш суръатларини жадаллаштириш, халқ хўжалиги самарадорлигини ошириш ва шу асосда совет кишилари фаровонлигини муттасил юксалишига эришиш борасидаги ишларни давом эттириш белгилаб олинди.

Биз Пленум қарорларини тамомила қўллаб-қувватлаш ва маъқуллаш билан бирга масалаларни муҳокама қилишга чуқур партиявий, принципиал ёндошилаётганлигини мамнуният билан қайд этамиз. Ўртоқ Ю. В. Андропов планлар ҳамон катта-катта харажатлар ва ишлаб чиқариш чиқимлари эвазига бажарилмоқда, ҳали шундай хўжалик раҳбарлари борки, улар Леонид Ильичнинг экономика тежамли бўлиши керак, деган чуқур маъноли сўзларини бажонидил тақрорлаб, амалда шу вазифани ҳал этиш учун тузукроқ бир иш қилаётганлари йўқ деб жуда тўғри айтди. Мисол учун ҳозир бригадамиз кўпчилик бўлиб фойдаланиладиган ҳисоб марказини қуришда қатнашмоқда. Объект — ноёб ва баланддир. Зилзилага бардошли бўлиши учун унинг қурилишида кўпдан-кўп металл конструкциялар ишлатилади, яхлит темир-бетон конструкцияларга эса кўп металл сарфланади. Шундай шароитларда қамёб металлни тежашга айниқса эътибор бериш керакдек бўлиб туюлади. Лекин шундай бўлиб чиқаяпти. Масалан, бетон орасига олиш учун бир классдаги пўлат керак бўлса, унинг ўрнига ундан бир класс пастроқ иккинчи ҳил пўлат келтирилади. ва шунинг учун йўғонроқ стерженларни ўрнатишга мажбур бўламиз. Натижада металл сарфи кўпайиб кетади.

Қурувчиларнинг ўзларида ҳам айб бор — буни яширмаслик керак. Кўпинча объектларда зангламаган, эгрибугри арматура стерженларини — пала-партиш кесилган металл қолдиқларини учратиш мумкин. Мана шуларга аллақачон барҳам бериш керак. Ю. В. Андропов Пленумдаги нутқида: «Эндиликда тежамкорлик, халқ бойлигига нисбатан омилкорлик билан муносабатда бўлиш — планларимизнинг реаллиги тўғрисидаги масаладир» деб мутлақо тўғри гапни айтди.

М. ҲАБИБУЛЛАЕВ,
«Висотстрой» қурилиш трести монтажчиларининг бригадири, Ленин ордени ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери.

ДАЛАДАН МЎЛ ҲОСИЛ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ю. В. Андроповнинг КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленумида сўзлаган нутқи бригадамиз пахтакорларини янги меҳнат ғалабаларига илҳомлантирди. Биз партиямизнинг ички ва ташқи сиёсатини тўла маъқуллаймиз ҳамда ўз мажбуриятимизни бажарганлигимиз тўғрисида қувонич рапорт берамиз. 65 гектар ернинг ҳар гектаридан 55 центнер пахта йиғиштириб олиди. Аммо далада пахта ҳали бор. Бизнинг вазифамиз эса бутун ҳосилни нобуд қилмай йиғиштириб олишдир. Аввалгидек ҳар куни кўрак йиғувчи агрегатларнинг механизаторлари ва теримчилар далага чиқмоқдалар. Шаҳарликлар бизга катта ёрдам беришмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми қарорларига жавобан биз пахта ҳосилдорлигини 60 центнерга етказишга аҳд қилдик. Бунинг учун бизда ҳамма имкониятлар мавжуд.

Э. ОЛЛАБЕРГЕНЕВ,
Урганч районидаги Калинин номли колхоз бригадири, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери (ЎзТАГ).

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 25 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

ТОШКЕНТ	0,02	109,30	—	103,13
ҚҚАССР	0,07	109,13	—	91,12
ХОРАЗМ	0,11	109,01	—	100,28
БУХОРО	0,14	105,73	0,22	48,29
НАВОИЙ	0,27	103,66	0,32	81,99
Фарғона	0,65	99,68	—	83,54
Сурхондарё	0,61	99,31	0,36	63,81
Самарқанд	0,72	97,46	1,01	94,64
Қашқадарё	0,80	96,63	0,98	91,60
Андижон	0,53	95,34	0,31	75,14
Жиззах	0,57	95,03	0,09	79,32
Сирдарё	0,49	93,71	0,21	87,82
Наманган	0,32	92,55	0,33	66,07
Республика бўйича	0,43	99,90	0,31	82,04
Шу жумладан иккичка толали пахта.				
НАМАНГАН	0,36	162,64	—	38,93
НАВОИЙ	0,18	143,53	0,32	119,35
БУХОРО	0,30	119,93	0,54	61,54
СУРХОНДАРЁ	0,47	119,10	0,79	95,69
ҚАШҚАДАРЁ	0,49	107,28	0,58	76,31
Республика бўйича	0,45	117,00	0,68	87,87

Ҳурмат тахтаси

Пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар республика Ҳурмат тахтасига ёзилади:

Фарғона области —область партия комитетининг секретари ўртоқ **Умаров**, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Рустамов**, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Исроилов**, «Заготхлопкопром» область бирлашмасининг бошлиғи ўртоқ **Мирзаахмедов**, область сельхозтехника бирлашмасининг раиси ўртоқ **Гофуров**, область сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Расулов**, қишлоқ хўжалик ходимлари область касаба союз комитетининг раиси ўртоқ **Тўйчиев**, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Фозилов**.

Охунбобоев райони —район партия комитетининг секретари ўртоқ **Алиҳонов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Қодиров**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Омонов**, район сельхозтехника бошқарувчиси ўртоқ **Жаҳонов**, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Марипов**, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ **Тешабоев**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Халилов**.

Нарпай райони —район партия комитетининг секретари ўртоқ **Тиллаев**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Ҳўжаев**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Бобоқулов**, райсельхозтехника бошқарувчиси ўртоқ **Аҳмедов**, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Кармов**, қишлоқ хўжалик ходимлари район касаба союз комитетининг раиси ўртоқ **Гиёсов**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Тоғаев**.

Боёвут райони —район партия комитетининг секретари ўртоқ **Турдиқулов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Исҳонов**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Маъмуров**, райсельхозтехника бошқарувчиси ўртоқ **Маҳкамов**, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Губаев**, қишлоқ хўжалик ходимлари район касаба союз комитетининг раиси ўртоқ **Набиев**, район комсомол Комитетининг секретари ўртоқ **Алимов**.

Баҳористон райони —район партия комитетининг секретари ўртоқ **Аметов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Орзиқулов**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Алиев**, райсельхозтехника бошқарувчиси ўртоқ **Осмонов**, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Содиқов**, қишлоқ хўжалик ходимлари район касаба союз комитетининг раиси ўртоқ **Бобоёров**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Расулов**.



Партиямиз Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми, ўнинчи чақириқ СССР Олий Советининг еттинчи сессияси материалларини зўр қизиқиш билан ўрганаётган Калинин районидаги «Москва» колхозининг сут-товар фермаси коллективи қиш фаслида ҳам маҳсулот етиштиришни кўпайтириш учун баракали меҳнат қиляпти. Ўзаро мусобақа пешқадами, моҳир сут соғувчи Нафиса Холтоева ҳар сигирдан 4200 килограммдан сут соғиб олиш юзасидан қабул қилган социалистик мажбуриятини бажариш арафасида турибди.

Суратда: Нафиса Холтоева.

Б. Ғафуров фотоси.

ТУТАШ ТАҚДИРЛАР

БИЗ — ВАТАНПАРВАР, ИНТЕРНАЦИОНАЛИСТЛАРМИЗ

Зулфия билан Николайнинг никоҳ кечаси ҳақидаги хушхабарни бутун совхоз меҳнат аҳли қувонч билан кутиб олди. Чунки уларнинг бир-бирига кўнгил қўйганидан кўпчилик хабардор эди. Йигит ва қиз коллективда сўз ва шахсий намунаси билан ҳаммага ибрат бўлаётган ёшлардан. Зулфия сут-товар фермасида, Николай эса 3-бригадада ишларди. Қизил шанбалик куни улар дўстлашиб қолдилар. Сўнгра ёшлар қишлоқ клубида ўтказиладиган кечаларда, йиғилишларда тез-тез учрашиб турищадиган бўлишди. Мана бугун ёшлар хонадонида тўю томоша. Тўйхона серфайз, аҳил хонадонни эслатиб турибди. Зиёфат дастурхони атрофида ҳамма миллат вакилларини учратиш мумкин. Туркман қирғизга қадаҳ тутар, ўзбек арманини дастурхонга таклиф қилар, татар украинга дил дафтарини очарди. Навбат ўйин-кулгига келгач, тўйхонадаги шодиёна яна авжига минди. Салмагалига русча, ўзбекча, корейсча, туркча куй-қўшиқлар ижро этилди.

Рўзи ота кишиларнинг ҳамжиҳатлиги, аҳиллигидан қувониб ўтирар экан, беихтиёр Раисахон билан қандай турмуш қурганини эслади. Мичурин номли совхоз янги ташкил этилган пайтлар. Деҳқончилик учун ажратилган ерлар қамишзор ва ботқоқликдан иборат. Бу ерларга яқинлашгани одамнинг юраги бетламайди. Чунки кун бўйи шовуллаб турадиган қамишзордан чиябўриларнинг увиллаши эшитилиб турарди. Зовурлар қазиш, қамишзорларни ёндириш билан секин-аста янги ерлар ўзлаштирила бошланди. Бирин-кетин ертўлалар, бостирмалар пайдо бўла бошлади. Уларда Тошкентдан ва Фарғона водийсидан қалб амри билан тўқайзорларни ўзлаштиргани келган турли миллат вакиллари истиқомат қилишарди. Улар орасида Рўзибой ҳам бор эди.

Мана, тўқайзор. Дошқозонлар биқирлаб қайнамоқда. Атрофдан ҳорма, бор бўл деган овозлар эшитилади. Тупроқ, дарахт кўчатлари ортган қўқон аравалар пешма-пеш қатнаб турибди. Бир группа кишилар, жумладан, Рўзибой ҳам кўчат ўтқазиш билан банд. Шу пайт қари тол шохига осилган темир парчасини кимдир тош билан жаранглатиб ура бошлади. Бу тушлик бўлганини билдирарди. Ҳамма қамишдан тўқилган бўйраларга ўтириб овқатланишга ўтирди. Ўртада мис самовар қайнаб турарди. Ўчоқ бошида ёшгина, дуркун қиз эпчиллик билан овқат улашарди. Навбат Рўзибойга келганда ошпаз қиз йигитга ялт этиб қаради-да, унинг косасига овқат қуйди. Иш устида улар яна учрашиб қолдилар. Биргалашиб кўчат экишди. Рўзибой чуқурча очар, Раиса эса унга кўчат ташлаб борарди...

Биринчиларга ҳамиша қийин бўлади. Янги ер очишнинг машаққатлари-тўқайнинг хира пашшалари-ю, қамишларнинг ваҳимали шовуллаши, таъминотдаги узилишлар билан икки ёшнинг муҳаббати синовдан ўтди. Рўзибой билан Раиса бир пайтлар келиб бу ерда ям-яшил боғ-роғлар, гавжум қишлоқлар барпо бўлишига ишонарди. Қиз билан йигитнинг тақдири шу ерда туташди. Аста-секин олмазорлар, ўрикзорлар, узумзорлар яратила бошлади. Хўжалик билан бирга кишилар ҳам ўзгарди. Рўзи Солиев миришкор боғбон бўлиб етишди. Ҳалол меҳнати эвазига Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди. Раиса опа эса ўн болани тарбиялаб эл қаторига қўшди. Дўстлик тақдирларни туташтирибгина қолмай, ажойиб меҳнат севар кишиларни етиштириб чиқарди. Ўзбек йигитини татар қизи билан қовуштирди, рус фарзандини қозоқ оиласига ҳамроз қилди. Бозор ота, Саид ота, Тоғай бобо каби турли миллат вакилларининг намояндалари бир ота-онанинг фарзандидек ҳамжиҳатлик билан ишлашиб, совхоз экономикасини мустаҳкамлашда фидокорона меҳнат қилдилар...

Рўзи ота ёшларга оқ фотиҳа бериб тўйдан чиқар экан, ана шуларни ўйлаб кетди. Йўлда оҳиста боғ томонга бурилди. Ям-яшил барглар орасида олтиндек товланиб турган сархил меваларга тикилиб боғ оралаб кетди. Отанинг одати шунақа. Боғ оралаб туради. Негаки, чорак аср умри шу боғда ўтди. Худди шу ерда дўстлик, ҳамжиҳатлик қандай қарор топишининг гувоҳи бўлди.

Улуғ Ватан уруши йиллари. Тақдир тақозоси билан совхозга 70 та турк хонадони кўчиб келди. Ишчилар дарҳол уларни ўз бағриларига олдилар, маъмурият бошпана, озиқ-овқат, иш билан таъминлади. Турк қизи Гулпари Бакир қизи билан ўзбек йигити Нурбой Шариповнинг тақдири кўз-ўнгида шаклланди. Гулпари Нурбойнинг бригадасида меҳнат қиларди. Йигит ёрдами ва маслаҳати билан Гулпари ўн йилликни туғаллади, касб эгаси бўлди. Сўнгра Нурбой билан боғбонлик қила бошлади. Ҳамкорлик туфайли туғилган дўстликдан меҳр-муҳаббат ўсиб чиқди. Гулпари билан Нурбой оила қурдилар. Олтин узукка ёқут кўздек бир-бирига муносиб бу интернационал оила совхозда ҳалол меҳнати билан шуҳрат топди. Келин билан куёв давлатга мева сотиш план-топшириқларини бажариш учун қизғин тус оладиган мусобақада доим байроқдорлик қилиб келдилар. Гулпарининг кўксини Меҳнат Қизил Байроқ ордени, Нурбойнинг кўксини эса II даражали Меҳнат Шуҳрати ордени безаб турибди. Совхозда бахт ва ором топган интернационал оилалар кўп. Ўзбек қизи Зайнабнинг тақдири татар фарзанди Актам билан, қирғизистонлик Ўктамнинг тақдири тожик қизи Дилбар билан, ўзбекистонлик Муроджоннинг тақдири украиналик Олянинг тақдири билан бир умрга туташган.

...Соҳибкорлар КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорлари, Озиқ-овқат программасини ўзларининг жанговар иш программалари қилиб олганлар. Шуниси характерлики, хўжаликда коммунистлар умумхалқ мусобақасининг олдинги сафларида бормоқдалар. Айни пайтда олтита боғдорчилик бригадасига, сутчилик фермасига коммунистлар етакчилик қилмоқда. Э. Ражабов, Р. Раҳмонқулов, Н. Жаъфаров, О. Назаровлар ана шулар жумласидандир. Уларнинг фидоийлиги билан давлатга мева сотиш йиллик плани совхозда августнинг биринчи ўн кунлигидаёқ адо этилди. Умумиттифоқ фондига 700 тонна ўрнига 750 тонна мева жўнатилди.

Бир маҳаллар одамлар совхоз ҳақида «қамишдан гули, бақадан булбули» бор деб айтишарди. Эндиликда хўжаликнинг маданий қиёфаси бутунлай ўзгариб кетди. Турнақатор замонавий уй-жойлар, мактаб, маданият клуби, кино-театр, чойхоналар қишлоқ ҳуснига-ҳусн қўшиб турибди. Уларнинг ҳаммаси Октябрь инқилоби шарофати билан вужудга келган халқлар дўстлигининг амалдаги тантанасидир.

Ж. ЙЎЛДОШЕВ,
Бухоро райони.

Ёрдамчи хўжалик — кони фойда

БИРЛАШМА ФЕРМАСИ

Ёрдамчи қишлоқ хўжаликлари тегишли министрликлар ва идораларга ажратиладиган умумий капитал маблағлар ҳамда моддий-техника ресурслар ҳисобига ташкил этилсин ва ривожлантирилсин.

(СССРнинг Озиқ-овқат программасидан).

«Узгоскомсельхозтехника» Сирдарё область бирлашмасининг ёрдамчи хўжалиги 1979 йил декабрь ойида Комсомол районидаги «Мирзачўл» совхозининг 4-бўлимида ташкил этилди. Ташкилий даврда бир қатор қийинчиликларга дуч келинди. Декабрь ойида бу ерга биринчи вагон-уй, биринчи трактор, биринчи кўчма устахона келтирилди. Шудгор қисқа муддатда ўтказилди. Ишчилар ўзгача ғайрат, шижоат, кўтаринкилик билан меҳнат қилишарди. Уларнинг аксарияти ҳар куни шаҳардан қатнаб ишларди. Шунга қарамасдан дала ишлари вақтида, юксак агротехника талаблари даражасида ўтказилди. Беда билан арпа экилган майдонда яшил майсалар пайдо бўлганида, маккажўхори ниҳоллари яшил қаторлар ҳосил қилганида ҳамманинг қалби қувончга тўлди.

Катта ишнинг бошланиши ҳамиша ҳалжонли ва машаққатли бўлади. Озуқа экинлари майдонини суғоришда қийинчиликлар учради. Юмшоқ бўз тупроқдан иборат суғориш тармоқларида сувни нормал оқизиш қийин бўлди. Сув сунъий ариқларнинг қирғоқларини ўпириб кетарди. Бунинг устига ер капитал планировка қилинмаганлиги панд берди. Экин майдонининг бир жойи кўллаб кетса, бир жойига сув чиқмасди. Ёрдамчи хўжалик ишчиларининг уддабуронлиги ҳамда меҳнатсеварлиги туфайли қийинчиликлар мардонавор енгилди ва озуқа экинларидан яхши ҳосил етиштирилди. Ҳосил техника кучи ёрдамида йиғиштириб олинди. Кеча деҳқончилик билан шуғулланган ишчилар, бугун техника воситаларини моҳирона бошқаришди.

Қишловга мўл озуқа жамғарилгач, 1980 йил июнь ойида ёрдамчи хўжаликка биринчи марта 20 бош ғунажин келтирилди. Кеч кузгача қорамоллар сони 70 бошга, қўй ва эчкилар сони 150 бошга етказилди. Бундан ташқари 800 бош цесарка жўжалари сотиб олинди. Ватани Грузия ҳисобланган бу парранда чўл шароитида ҳам тез ўсди. Коллектив кучи билан паррандахона қурилди. Цесаркалар асосан аралаш озуқа ҳамда полиз маҳсулотлари билан боқилди. Ўша йили қўйхона ва молхоналар қурилиши қизғин бошлаб юборилди. Бирлашма бунинг учун маблағ, ишчи кучи ва техника воситалари ажратди.

Чорва қишловига мўл озуқа жамғарилган бўлсада, озуқа экинлари ҳосилдорлигидан кўнгил тўлмади. Чунки, кўрсаткич жуда паст эди. Мўл озуқа юқори ҳосилдорлик эвазига эмас, кўп ер майдони ҳисобига жамғарилган эди. Янги ўзлаштирилган ерда сув пайдо бўлиши билан шўрланиш кучайганлиги ишчи-чорвадорлар ташвишини янада орттирди. Шундан кейин зарур чора-тадбирлар кўриш лозим, деган хулосага келинди. Ҳосилдан бўшаган ерлар зудлик билан капитал планировка қилинди. Акс ҳолда шўр ювиш ва яхоб беришнинг иложи йўқ эди. Алоҳида мелиоратив отряд тузилди. Бирлашма отрядни зарур ишчи кучи ва техника билан таъминлади. Биринчи йил 43 гектар майдонда мелиоратив тадбирлар амалга оширилди.

Озуқа чорвачилик негизи. Шундай экан, озуқа базасини мустаҳкамламасдан туриб, чорвачиликни ривожлантириб бўлмайди. Ёрдамчи хўжалик коллективи ўз олдига ерни эъзозлаш, озуқа экинлари ҳосилдорлигини ошириш йўли билан чорвачилик маҳсулотлари — гўшт, сут, тухум етиштиришни кўпайтириш вазифасини қўйди. Шунинг учун ҳам айни пайтда янги ерларни ўзлаштириш, фойдаланилаётган майдонларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишига катта аҳамият берилаётир. Ҳозир ёрдамчи хўжаликнинг 303 гектарлик ери бор. Шундан 122 гектари капитал планировка қилинган экин майдонлари. Мелиоратив отряд бу ерларнинг унумдорлигини ошириш мақсадида ибратли ишлар қиляпти. Коллектив кучи билан қурилган 4 километр узунликдаги лоток тармоқлари ишлаб турибди.

Янги ерларни ўзлаштириш ишлари суръати тобора ошяпти. Шунингдек, ёрдамчи хўжаликни ривожлантиришда қурилиш учун ажратилаётган капитал маблағларни ўзлаштириш ҳам катта аҳамиятга эга. Ҳозиргача 1400 минг сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. Жами 340 бош соғин сигирга мўлжалланган иккита механизациялаштирилган молхона, майдончалар, учта ҳар бири тўрт квартирали турар-жой биноси, артезиан кудуғи, йўллар, электр узатиш тармоқлари, омборлар, озуқа цехи, қуёнчилик фермаси қурилди. Шунингдек, ҳозирги пайтда 500 бош қўй боқишга мўлжалланган қўйчилик фермаси, ҳар бири 120 бош бўрдоқига мўлжалланган иккита бўрдоқичилик биноси, қурилиш участкаси учун ишлаб чиқариш базаси бунёд этиш ишлари жадал суръатда олиб борилялти. Молхоналарда қўл кучида бажариладиган ишларни механизациялаш юзасидан ташкилий-техникавий тадбирлар амалга ошириляпти. Капитал қурилиш кўламини йил сайин кенгайтириб бориш бирлашма фермасини йирик, қудратли, кўп тармоқли чорвачилик комплексига айлантириш имконини беради. Бу КПСС Марказий Комитетининг май Пленумига амалий жавоб бўлади.

«Узгоскомсельхозтехника» Сирдарё область бирлашмасининг ёрдамчи хўжалиги эришаётган ютуқлар ҳақида гап борар экан, бунёдкорлик ишларига ўзларининг куч-ғайратлари, тажриба ва маҳоратлари билан салмоқли ҳисса қўшаётган ажойиб кишилар тўғрисида алоҳида гапирмаслик мумкин эмас. Коллективда ҳар хил касбдаги кишилар бор. Абдуғаффор Ортиқов билан Соли Маматқулов деҳқон. Эргаш Абдуллаев, Яхшилик Хонимқулов, Бўта Туротов, Муҳаммад Абдувасилов, Александр Богдановлар тракторчи, Владимир Вятчик билан Ҳасан Темиров ремонтчи. Суюм Ҳамдамов, Владимир Попов, Леонид Алексеевлар мелиоратор. Валентина Теплякова, Татьяна Кондратьева, Тамара Степановалар чорвадор. Лутфи Муродов, Ҳамза Бозорбоев, Валерий Юдин, Михаил Волков қурувчи. Улар ўз иш участкаларида ҳиммат ва ташаббускорлик кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Шунингдек, Эргашали Жўраев, Икром Камолов, Даврон Азимов, Рустам Холбоев сингари етакчи мутахассисларнинг ташкилотчилик қобилиятлари ва ишлаб чиқаришни бошқаришдаги бой тажрибалари, билим ва маҳоратлари ёрдамчи хўжаликни ривожлантириб, ютуқларни кўпайтиришда катта роль ўйнаяпти. Бу азаматлар янгиликни тез илғаб олиб, ишлаб чиқаришга жорий этмоқдалар. Натижада ёрдамчи хўжалик истиқбол йўлидан дадил одимлаётир. Яқин йиллар ичида бирлашма ишчи-хизматчилари, инженер-техник ходимлари ёрдамчи хўжаликда етиштирилаётган гўшт, сут, тухум ҳамда сабзавот-полиз маҳсулотлари билан тўла-тўкис таъминланадилар.

И. НОРМАТОВ.
«Сирдарё ҳақиқати» газетасининг бўлим мудири.

КООПЕРАЦИЯНИНГ ГЎШТ ЦЕХИ

Калинин райони матлубот жамиятига қарашли бўрдоқичилик хўжалигининг меҳнаткашлари кам маблағ сарфлаб юксак самарадорликка эришишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар. Бу ерда атиги бир неча ой ичида 750 бош қорамол боқиладиган молхона қурилди. Ҳар бир сигир боқиладиган жой одатдагидан икки баравар арзон — 200 сўмга тушди.

Бинолар полиэтилен плёнка ва брезент билан ўралган, томи шифер билан ёпилган бостирмалардан иборат. Йилнинг иссиқ вақтида полиэтилен плёнка ва брезент олиб қўйилади. Шу тариқа йил давомида молхоналарда зарур даражада микроиқлим таъминланади. Матлубот жамиятининг бўрдоқичилик хўжалигида қора молларнинг вазни нормадагидан бир ярим баравар ошади.

Матлубот жамиятининг янги чорвачилик биноларини қуриш давом этмоқда. Йил охирига бориб бу ерда яна мингта қорамолни сўйимга боқиш мумкин.

(ЎзТАГ мухбири).

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

Тинчлик ва одамлар бахт-саодатини кўзлаб

Шу кунларда Москвадан олиниб жаҳон матбуотида эълон қилинаётган хабарларда совет кишиларининг фаровонлиги тўғрисида, ялпи тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш КПССнинг энг муҳим программавий вазифаси, унинг бутун фаолиятининг бош мазмуни бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади, деган асосий ғоя илгари сурилган. Мана шу ўзгармас ленинча йўлнинг давомийлиги деб, таъкидланади чет эл газеталари, радио ва телевидениесининг шарҳларида, КПСС Марказий Комитети Пленумининг якунларида, унда ўртоқ Ю. В. Андропов сўзлаган нутқида, СССР Олий Совети сессиясининг қарорларида тасдиқлаб берилди. Халқаро жамоатчилик бу ҳужжатларни СССР халқ хўжалиги самарадорлигини ошириш учун курашнинг кенгайтирилган программаси, қуролсиз дунё —социализм идеали эканлигининг янги далили, деб билмоқда.

Чехословакиянинг **«Руде право»**, **«Млада фронта»**, **«Праце»** газеталари 24 ноябрь куни Москвадан олинган хабарларни «Иқтисодий ривожланиш вазифаларини ҳал этишга изчил ёндошув», «Барқарор тинчликни таъминлаш — СССР сиёсатининг ўзгармас мақсади», «Ленинча нормаларга садоқат» деган сарлавҳалари остида эълон қилдилар.

КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг Пленумда сўзлаган нутқида, — деб ёзади Братиславанинг **«Правда»** газетаси, — совет экономикасининг ҳозирги аҳволи ҳар томонлама анализ қилиб берилган, айниқса ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришни жадаллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш, капитал қурилишни анча яхшилаш, тежамкорлик режимини кучайтириш ишида халқ хўжалиги олдида турган муҳим вазифалар белгилаб берилди. Ўз партияси теварагида метиндек жипслашган совет меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорларини, Ю. В. Андропов нутқини коммунистик келажакни бунёд этишнинг улуғвор программаси деб билмоқдалар».

КПСС Марказий Комитети Пленумида айтиб ўтилганидек, деб уқтиради Венгриянинг **«Непсабадшаг»** газетаси, шиорларнинг ўзи билангина ишни жойидан силжитиб бўлмайди. Корхоналар ва колхозлар мустақиллигини кенгайтириш, шунингдек иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитларни вужудга келтириш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш кун тартибида турган тадбирлардан бири бўлди. Бундай шароитда яхши ишламаслик, сусткашлик, ходимларнинг моддий тақдирланишига ҳам хизмат мавқеига ҳам, маънавий обрў-эътиборига бевосита муқаррар тарзда таъсир этиши керак.

Кубада чиқадиган **«Гранма»** газетаси қуйидагиларни ёзади: Совет Иттифоқи бирликни ва социалистик ҳамдўстликни мустаҳкамлашни кучимиз манбаи, ҳатто энг жиддий синовлар пайтида ҳам пировард муваффақиятнинг гарови, деб билмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Пленумда таъкидлаб ўтганидек, ҳамдўстлигимизнинг барча режалари — тинчлик ва бунёдкорлик режаларидир. Совет Иттифоқи қардош мамлакатларнинг ўртасидаги ўртоқларча ҳамкорлик ва социалистик ўзаро ёрдам янада чуқурроқ ва самаралироқ бўлишига интилмоқда.

КПСС ва Совет давлати, деб уқтиради Вьетнамнинг **«Нян Зан»** газетаси, барча социалистик мамлакатлар билан муносабатларни ривожлантиришни ва яхшилашни сидқидилдан истайди. КПСС Марказий Комитетининг Пленумида таъкидлаб ўтилганидек, ўзаро яхши ният, бир-бирларининг қонуний манфаатларини ҳурмат қилиш, социализм ва тинчлик манфаатлари тўғрисидаги муштарак ғамхўрлик турли сабабларга кўра ҳанузгача зарур даражада ишонч ва ҳамжиҳатлик бўлмаган жойларда ҳам масалаларни тўғри ҳал этиш йўлини кўрсатиб бериши зарур.

(ТАСС).

Б. КАРМАЛ НУТҚИ

ҚОБУЛ, (ТАСС). Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, АДР Давлат Кенгашининг Раиси Бабрак Кармал ер-сув ислоҳотининг амалга оширилганлиги Афғонистонда миллий-демократик революция ғалаба қилиши учун катта аҳамиятга эга бўлганлигини таъкидлади. У қишлоқ хўжалик кооперативлари Марказий Кенгашининг бу ерда бўлиб ўтган 4-пленуми катнашчилари ҳузурида нутқ сўзлаб, кооператив ҳаракатини ривожлантиришнинг ғоят муҳим вазифаларига тўхталиб ўтди. Кооператив ҳаракати деҳқонлар оммасини янги ҳаёт барпо этиш ишида бирлаштириши лозим. Бабрак Кармал бу масалада бошқа мамлакатларнинг илғор тажрибасидан фойдаланиш зарурлигини ҳам уқтириб ўтди.

Кооператив раҳбарлари қишлоқ хўжалиги соҳасида Апрель революцияси белгилаган вазифаларни бажариш учун бутун кучимизни сафарбар этамиз, деб партия билан ҳукуматни ишонтирдилар.

АППАРТЕИД СИЁСАТИ ҚАТТИҚ ТАНҚИД ҚИЛИНДИ

ДЕҲЛИ. Жанубий Африка озодлиги учун таниқли курашчи Дональд Вудс Жанубий Африка Республикасидаги ирқчи режим инсониятга қарши ўтказаётган апартеид сиёсатини қаттиқ танқид қилди. У қисқа муддатли визит билан Ҳиндистон пойтахтига келиб, Ҳиндистон давлат ташқи ишлар министри А. А. Раҳим билан учрашди ва уни Преториядаги режимнинг ЖАР туб аҳолисига нисбатан қилаётган ваҳшийликларидан хабардор этди. Д. Вудс ЖАР маъмурлари АҚШ ва Англиянинг мадади билан зўр бериб қуролли кучларни кўпайтираётганлигини ҳам таъкидлади. Претория қуролли кучларни сақлашга ҳар йили 5 миллион доллар сарфлаб турган бир пайтда миллион-миллион африкалик бола очликда яшамоқда.

(ТАСС).

САЛЬВАДОРДАГИ УРУШ ҲАРАКАТЛАРИ

САН-ХОСЕ. Сальвадордан олинган хабарларга кўра, Фарабундо Марти номидаги Миллий Озодлик Фронти (МОФ)нинг отрядлари қаттиқ жанглардан сўнг Кабаньяс департаментидаги Синкер деган аҳоли пунктидан америкапараст режим кўшинларини суриб чиқарганлар. Айни маҳалда Чалатенанго департаментининг Волькансильо послёкаси яқинида бўлган жангларда ватанпарварлар Америка маслаҳатчилари оғзидан туширмаётган махсус «Рамон Бельосо» батальонини жиддий мағлубиятга учратганлар, бу батальон 53 киши талофот берган. Режим мадад учун Волькансильога юборган бўлинма шу аҳоли пунктига ёриб ўтолмаган.

Санта-Ана, Сан-Висенте ва Ла-Пас департаментларида, шунингдек муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган Шимолий йўлда ҳам актив уруш ҳаракатлари бўлган.

Қўзғолончиларнинг «Венсеремос» радиостанцияси хабар беришича, Чалатенанго департаментида партизанларга қарши жанговар операцияларда Америкада ишлаб чиқарилган ва Гондурас режими ҳарбий ҳаво кучлари қўлида бўлган «А-37» самолётлари иштирок этган. Бу самолётлар Ачичилько аҳоли пунктини қаттиқ бомбардимон қилган, бунинг натижасида 40 дан кўп киши, асосан хотин-қизлар ва болалар ҳалок бўлган.

Сан-Сальвадор партизанлари ўз ҳаракатларини кучайтирдилар. Улар ўтган кунлар ичида пойтахтнинг Сан-Карлос ва Кускатансинго районларидаги ҳарбий казармаларга граналалар улоқтирдилар ва уларни ўққа тутдилар. Улар Сан-Сальвадор шаҳар атрофи зонаси — Илобаскода полиция соқчиларини ҳам ўққа тутдилар. Душман аскар ва техникасидан катта талофот берди.



Вьетнам Социалистик республикаси Коммунистик партияси ва ҳукумати энг оғир дамларда ҳам ёш авлодга ғамхўрлик кўрсатишни муҳим вазифалардан деб ҳисоблади. Ёшларга бепул билим бериш, мактабгача тарбия ва медицина муассасалари, кўплаб болалар клублари, маданият уйлари, кинотеатрлар ишини яхшилаш ҳамиша эътиборда бўлди. Натижада ёш авлодни ўқитиш ва саломатлигини мустаҳкамлаш соҳасида қувончли ютуқлар қўлга киритилди. Аҳоли соғлиғини сақлаш яхши йўлга қўйилганлиги туфайли республикада кейинги ўттиз йил мобайнида болалар ўлими 12 маротаба камайди.

Суратда: Вьетнам пойтахтидаги болалар боғчаларидан бирида.

ВИА—ТАСС фотоси.

ИНДИРА ГАНДИ БИЛАН СУҲБАТ

ДЕҲЛИ, (ТАСС). Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди Ҳиндистон — Совет муносабатларига юксак баҳо берди. У Франс Пресс агентлиги мухбири билан суҳбатда бундай деди: Совет Иттифоқи машаққатли дамларда ҳамиша Ҳиндистонни қўллаб-қувватловчи содиқ дўстдир. Ҳиндистон ўзининг оғир саноатини барпо этишни мақсад қилиб қўйган вақтда СССР Ҳиндистон билан бирга бўлди. Ўша вақтда Қўшма Штатлар ва ГФР давлат секторига ёрдам беришни истамай, Ҳиндистон билан ҳамкорлик қилишдан бош тортган эдилар, деди Бош министр.

И. Ганди СССРнинг «агрессивлиги» тўғрисида ғарб тарқатаётган туҳматларни рад этиб, Совет Иттифоқи тинчликни астойдил истайди, деб таъкидлади. Уруш хотираси совет кишилари қалбидан ҳали ўчмаган. Улар уруш нима эканлигини яхши тасаввур қиладилар, деб уқтириб ўтди И. Ганди.

Ҳиндистон ҳукуматининг бошлиғи унинг мамлакати Ҳинд Океани тинчлик зонаси деб эълон қилинишини тарафдори эканлигини айтди.

Бош министр қўшилмаслик ҳаракатининг халқаро майдондаги муҳим ролини таъкидлаб, кейинги йилларда бу ҳаракатни барбод этиш ва унга туҳматлар ёғдиришга бўлаётган уринишларга қарамай, у янада кўпроқ мустаҳкамланди ва ўз сафларини кенгайтирди, деб айтди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

АДДИС-АБЕБА. Африкалик хотин-қизларни қулликдан ва камситилишдан озод қилиш қитъани социал иқтисодий ривожлантириш жараёнининг таркибий қисми бўлиб қолиши лозим, деди Эфиопия меҳнат ва социал ишлар министри Касса Кебеде. У миллий қурилишда африкалик хотин-қизларининг иштироки масалаларига бағишланиб бу ерда очилган халқаро семинарда гапирди ва Эфиопияда манфур феодал монархия тузумини тугатган 1974 йилги революция мамлакат барча гражданларининг тенгликка эришишини асосий вазифалардан бири, деб эълон қилганлигини таъкидлади.

Семинарда Африкадаги 33 мамлакат, шунингдек регионал ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этмоқда.

ТОКИО. Комацу шаҳридаги (Исикава префектураси) муниципалитет биноси олдида АҚШ билан Япония ҳарбий, ҳаво кучларининг 30 ноябрда бўладиган қўшма машқларига қарши оммавий норозилик намойиши бўлиб ўтди. Намойишда тараққийпарвар сиёсий партиялар, касаба союз ташкилотларининг вакиллари ҳамда шаҳар жамоатчилиги иштирок этди.

Намойишчилар маъмурлардан ҳарбий машқларнинг дарҳол бекор этилишини талаб қилдилар, тобора агрессив тус олаётган Япония-Америка «Хавфсизлик шартномаси»нинг хатарли эканлигини таъкидладилар.

(ТАСС).

БУТУН КУЧ—СЎНГГИ ДОВОННИ ЗАБТ ЭТИШГА

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

25 ноябргача республикамиз қабул пунктларига 5.884.225 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Бир кунда 25.626 тонна пахта тайёрланди. Шу жумладан, 456.316 тонна ингичка толали пахта тайёрланди. Бир кунда эса у 1.779 тоннани ташкил этди.

Фарғона

Область меҳнаткашлари пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини муваффақиятли бажарганликлари ҳақида ғалаба рапорти бердилар. Бу, колхозчилар, совхоз ишчилари, механизаторлар, сувчилар, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассислари, шаҳарликлар, студентлар, ўқувчиларнинг жасоратли ва фидокорона меҳнати натижасидир. **Республика пахта хирмонига фарғоналиклар 575.000 тоннадан ортиқ «оқ олтин»лари билан ҳисса қўшдилар. Ҳосилдорлик гектарига 31 центнерни ташкил этди.** Ана шу катта меҳнат ғалабасига пландан ташқари 4,5 минг тоннадан ортиқ пахта етказиб бериб, ҳосилдорликни 37,4 центнерга етказган Бувайда райони деҳқонлари салмоқли улуш қўшдилар. Қува ва Тошлоқ районларининг заршунослари ҳам гектар бошига ҳосилдорликни 36 центнердан оширдилар. Социалистик мажбурият ҳисобига пахта топшираётган Фарғона, Олтиариқ, Ленинград, Охунбобоев районлари ва Қувасой шаҳри меҳнаткашларининг бу борадаги ютуқлари ҳам қувончли бўляпти. Йиғим-терим қизғин давом этмоқда. Область хўжаликлари меҳнатчилари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, яна 10 минг тонна қимматбаҳо хом ашё териб давлатга сотишга қарор қилдилар.

Сирдарё

Боёвут райони меҳнаткашлари пахта тайёрлаш планини муваффақиятли бажардилар. 59 минг тонна пахта етказиб берилди. Район бўйича гектар бошига ўртача ҳосилдорлик 30,5 центнердан ошиб кетди. Район қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари яна 2 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш учун ўз зиммаларига мажбуриятлар олдилар.

Қашқадарё

Она-ватанга 23,1 минг тонна пахта етказиб берган Баҳористон райони марду-майдонлари халқ хўжалик планини шараф билан бажардилар. Ялпи ҳосилнинг ярмидан кўпроғи терим агрегатлари ёрдамида саранжом-сариштали олинди. Баҳористонликлар қабул пунктларига яна 3 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш учун ваъда бердилар.

Самарқанд

Нарпай райони пахтакорлари пахта тайёрлаш планини бажарганликлари тўғрисидаги ғалаба рапортига ёруғ юз билан имзо чекдилар. Қабул пунктларига 51100 тонна қимматбаҳо хом ашё етказиб берилди. Шунинг 80 проценти юқори сортларга топширилди. Ўртача ҳосилдорлик 34 центнерни ташкил этди. Ана шу меҳнат муваффақиятига «Москва», «Октябрь», «Иттифоқ», «Победа» колхозларининг азамат пахтакорлари муносиб улуш қўшдилар. Район пахтакорлари яна 4 минг тонна жавоҳир етказиб беришга қарор қилдилар.

Хоразм

Айни кунларда областнинг 84 хўжалиги социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширмоқда. Шундан 45 та хўжалик гектаридан 45—50 центнердан хирмон кўтарди. Айниқса, Хонқа районидаги Охунбобоев номли, «Октябрь 40 йиллиги», Гурлан районидаги «Правда», «Коммуна», «Коммунизм», Янгибозор районидаги «Ленинизм», Хазорасп районидаги Жданов номли, Хива районидаги Беруний номли, Боғот районидаги Наримонов номли, Шовот районидаги «Партия XIX съезди» ва «Ўзбекистон» колхозларида ҳосилдорлик айниқса юқори бўлди.

Наманган

«Яна 130 тонна «оқ олтин» етказиб берамиз». Тўрақўрғон районидаги Карл Маркс номли колхоз заршунослари айни кунларда ана шу шиор асосида ишлаяптилар. Хўжалик давлатга 3695 тонна «оқ олтин» сотди. Ёки бошқача қилиб айтганда **1016 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 39 центнердан хирмон уйилди.** Ноқулай об-ҳаво қийинчиликларига қарамасдан Учқўрғон районидаги икки хўжалик катта меҳнат ғалабасини қўлга киритди. «Москва» колхози пахтапарварлари 3550 тонна «оқ олтин» етказиб бердилар. Охунбобоев номли колхозда эса пахта ялпи ҳосили 4350 тоннани ташкил қилди. Ҳар иккала хўжалик дала меҳнаткашлари яна 200 тоннадан «оқ олтин» етказиб бериш мажбуриятини олдилар. Айни кунларда райондаги олти хўжалик, тўққизта бўлим, 186 бригада меҳнат аҳли социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширишяпти.

ҚҚАССР

Шуманай районидаги энг йирик хўжаликлардан бири «Правда» совхози пахта тайёрлаш планини бажарганлиги ҳақида рапорт берди. Давлат қабул пунктларига 6766 тонна пахта етказиб берилди. Ҳосилдорлик гектар бошига 30 центнерданни ташкил этди. А. Абдувалиев, Б. Наботов ўртоқлар етакчилик қилаётган бригадаларда гектаридан 46 ва 44 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Кўпмингкилограммчилик мусобақасида байроқдорлик қилаётган Зулфия Қошиқбоева Улугтерек Сердарова, Байрамтош Қулиевалар ҳамкасбларига ибрат бўлишяпти. Уларнинг ҳар бири шу кунгача 12—13 тоннадан жавоҳир териб бериб, хирмонга баракали ҳисса қўшдилар.

Андижон

24 ноябрда область далаларида 190.000 теримчи меҳнат қилди. Марказлашган хирмонларда 535 та кўрак чувиш агрегатлари унумли ишлатилди. Тўрт район, 37 колхоз, 10 совхоз 1030 бригада коллективлари айни кунларда социалистик мажбурият ҳисобига ҳосил топширяптилар.

МАРД МАЙДОНДА СИНАЛАДИ

МАРРА ЯҚИН, ЗАФАР ЯҚИН

ИРОДА СИНОВИ

Шаҳар аэропортидан Ўзбекистон районига кетадиган йўлга чиққанимизда машинанинг олд ойнасига бир-икки совуқ томчи тушди, сўнг у бироз тезлашди, кўчаларнинг ўнқир-чўнқир жойларида кўлмаклар пайдо бўлди.

Аммо Қўқон-Яйпан магистрал йўлининг ҳар икки четидаги пахтазор пайкалларида ҳамон одатдагидай «оқ олтин» учун қилинаётган меҳнат яққол кўриниб турарди. Каттаю-кичикнинг белида этак, пахта ортилган прицеплар карвони тез-тез ўтиб турибди. Кўчанинг у-бу ерида тўкилиб қолган пахталарни териб олаётган оқсоқол отахонларни учратасиз ва сахий кузнинг ҳар бир дақиқасини ғанимат деб билиб, терим суръатини сира бўшаштирмаётган пахтакорларни кўриб кўнглингиз яйраб кетади.

Ёмғир тиниб, шамол авжига чиққан паллада Яйпанга етиб келдик. Райком ҳузурида ташкил этилган матбуот марказида иш қизғин. Район радиоси эшиттиришининг ташкилотчиси Назорат Қодированинг қўли-қўлига тегмайди. Гоҳ у, гоҳ бу телефонда гаплашади, маълумотлар олади, майин жилмайиб «Табриклаймиз», «Ие, кам-ку?» деб қўяди. Район партия комитети агитация ва пропаганда бўлимининг мудири Нўъмонжон Абдуллаевни ҳам шу ерда учратдик.

Районда пахта теримининг бориши ва унга сафарбарлик ҳақида маълумотлар олиш учун район партия комитетининг биринчи секретари А. Пайғамов ҳузурига кирдик.

— Районимиз меҳнаткашлари бу йил жуда катта қийинчиликларга дуч келишди. Баҳорда 5 минг гектарга яқин шамол таъсиридан зарарланган пахта майдонларига қайтадан чигит экилди. Бундан ташқари, — дея сўзини давом эттирди секретарь, — районимизнинг экин майдонлари асосан Сўх дарёсидан сув ичади. Аммо айни экиш кампанияси ва вегетация даврида дарёдаги сув ҳажми ниҳоятда камайиб кетди. Бу дарёдан районимиздан ташқари областимизнинг 7 райони ва қардош Қирғизистон ССРнинг Ботқон-Фрунзе районлари ҳам сув ичади.

Баҳорги экин-тикин ишларини амалга ошириб олиш мақсадида районимиз учун 1 кубметр сув ажратилди. Ваҳоланки, бу даврда районимиз учун 26 кубметр сув керак. Аммо ана шундай қийинчиликларга қарамай районимиз пахта далаларида фидокорона меҳнат эвазига мўл ҳосил етиштирилди. Эшитгандан кўрган маъқул деган гап бор. Агар районимиз хўжаликларида бўлсаларингиз бунинг гувоҳи бўласизлар...

Биз тушган машина район хўжаликлари ичида карвонбошилик қилиб келаётган Ғ. Ғулом номли колхозга бир зумда етиб келди. Колхознинг икки қаватли муҳташам правление биноси. Агар секретарь қизнинг машинада нималардир ёзаётганини ҳисобга олмаганда бино ичида сокинлик ҳукмрон эди.

—Раис борми? —сўраймиз ундан.

—Йўқ.

—Партком секретари-чи?

—Улар ҳам йўқ.

—Қаерга кетишган? —сўраймиз яна бир оз хижолат тортгандай.

—Сотиболди Худойқулов бригадасига.

Бизга ҳамроҳлик қилиб келаётган район газетасининг ходими Комилжон Шерматов шошилиб машина рулига ўтиради:

—Қани кетдик.

Машина елдек учиб боряпти. Кўчанинг ҳар икки чети тутзор.

—Авваллари, — дейди у, —колхоз пилла қурти боқиш учун бошқа жойлардан 7—10 минг сўмлик барг сотиб оларди. Эндиликда эса бунга барҳам берилган.

Биз уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқулов номидаги Бутуниттифоқ мукофотининг лауреати, моҳир пахтакор, Ленин ордени ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Сотиболди Худойқулов бригадасига яқинлашганимизда бу ерда хўжаликнинг «Оқ олтин» ансамбли коллективининг ғолибларга бераётган куй, қўшиқ ҳамда рақслари давом этаётган эди.

Раис Анваржон Эркабоевни ҳам шу ердан топдик.

—Ие, келинглар, келинглар, —деди у илиқ қарши оларкан. — Планини ва социалистик мажбуриятларини уддалаган бригадаларни табриклаб юрибман. Давлатга йиллик пахта сотиш планини бажардик. Мавжуд 1900 гектарнинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштириб, республикамизнинг улкан «оқ олтин» хирмонига ўзимизнинг 6 минг 510 тонна пахтамиз билан улушимизни қўшдик. Лекин йиллик план бажарилган бўлсада ҳали колхозимиз далаларида ҳосил кўп. Бу муваффақиятларни қўлга киритишда 60 центнерчи бригадалар Сотиболди Худойқулов, Камолиддин Турдалиев, Солижон Мирзаев бошлиқ бригадалар аъзоларининг қўшган ҳиссалари айниқса салмоқли бўлди. Энди, — дея сўзини давом эттирди раис, —бошқа сафар бафуржа гаплашамиз. Ҳозир эса мен учун узр.

Раис жўнаб кетди.

Чунки хўжаликнинг мавжуд 29 та бригадасидаги пахтанинг терилиши, сифати, улардаги ички шароитлар, ташвишлар, ҳашарчиларнинг иссиқ овқати, транспорти, ётоқхонаси ҳақида ғамхўрлик қилиш участка бошлиқлари ҳамда бригадирларга йўл-йўриқлар кўрсатиш унинг бугунги кундаги зарур иши ҳисобланади.

Аввал район халқ контроли комитетининг раиси бўлиб ишлаган А. Эркабоев мазкур хўжаликка келган йилининг ўзидаёқ ҳосилдорлик 4 центнерга кўтарилди.

Моҳир бригадир Сотиболди Худойқулов билан пахта даласини айландик. Пахталар бодроқдек-бодроқдек очилган. Кўриб қувонасан киши.

— Мажбурият ҳисобига ҳосил топширмоқдамиз. 65 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнердан пахта олдик. Эндиги вазифамиз ҳар гектардан яна 10 центнердан ҳосил кўтариш, — дейди бригадир.

Биз хўжалик пахта далаларини айланар эканмиз, хотиржамлик ҳиссини асло сезмадик. Гарчи колхознинг азамат пахтакорлари зафар марраларини эгаллаган бўлсаларда, ҳамон пахта учун бўлаётган шиддатли кураш давом этаётир.

Улар СССР 60 йиллигини муносиб меҳнат туҳфалари билан кутиб олишга ҳаракат қилиб, ҳосилдорликни гектар бошига 45 центнерга етказишдек юксак чўққини забт этишга ҳаракат қилмоқдалар. Айни пайтда колхозда 3500 нафар теримчи тер тўкмоқда. Уларнинг аксарияти мавсумда 8—10 тоннадан жавоҳир хирмони яратишга сўз берган чевар теримчилардир. Булар орасида Ўзбекистон Компартияси XX съезди делегати, район Советининг депутати Солияхон Салоҳиддинова, Салима Охунова, Ўринбиби Муродова, Васплахон Мелибоева ва бошқалар бор.

Хўжаликда пахта йиғим-теримида ватанпарвар оилаларнинг ҳаракатлари ҳам алоҳида ўрин тутади. Шунинг учун ҳам бу ерни «оилавий хирмон яратувчилар макони» деб бежиз айтишмайди. Ўтган йили ҳам 10 га яқин оила «оқ олтин» теримида актив қатнашиб, мавсумда 20—30 тоннадан пахта теришга эришган.

Айни пайтда ҳам ана шундай олий ҳимматлилар сафи янада кўпайган, ҳозиргача 28—32 тоннадан хирмон яратган Улханой Жўрабоева, Мунавварxон Деҳқонова, Лобарой Аҳмедова сингари ўғлаб чеварлар бош бўлган оилалар ана шулар жумласидандир. Улар бу кўрсаткичларни мавсум охиригача 35—40 тоннага етказиш учун тинмай ҳаракат қилмоқдалар. Шундай экан колхознинг танти деҳқонлари ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини бажаришларига ҳам ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ.

ДЕПУТАТ БРИГАДАСИДА

Маҳбуба ёшлигидан совхоз пахта далаларида дарсдан сўнг ота-онасига ёрдам бериб юрган кезлариданёқ зумрад далаларга, аниқроғи пахтазорга ишқи тушган эди. Айниқса, унинг бу ишқи ўрта мактабни битиргандан сўнг янада равшанроқ намоён бўлди. У жонажон совхозининг пахта далаларида меҳнат қилиш учун қолди. Маҳбуба ўзининг бир неча йиллик меҳнат фаолиятида тиришқоқлиги, ташаббусга ўчлиги, одамларга ғамхўрлиги туфайли кўпчилик меҳрини қозонишга муваффақ бўлди. Мана, бир неча йиллардирки, у районда энг йирик «Ганиобод» совхозининг «Ганиобод» бўлимидаги 2-бригадасига бошчилик қилиб келмоқда. Айни пайтда у Тошкент қишлоқ хўжалик институти Фарғонадаги филиалининг агрономия факультетида сиртдан ўқияпти.

Биз унинг дала шийпонидамиз. Шийпоннинг чор атрофи саранжом-саришта. Шийпонда эркаклар, аёллар, қизлар, болалар учун алоҳида-алоҳида хоналар ажратилган. Умуман олганда теримчилар учун ҳамма шарт-шароит муҳайё. Бригада бошлиғи, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Маҳбуба Абдусамадова билан суҳбатимиз хирмон тепасида бўлди.

—Бригадамиз пахтакорлари юбилей йилида 50 гектар ернинг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил кўтаришга аҳд қилишган, —дейди бригада сардори. — Биз бунинг уддасидан чиқамиз. Чунки далаларимизда бу йил ҳар қачонгидан ҳам мўл ҳосил етиштирилган.

Шу кунларда бригаданинг Лобар Исмоилова, Малика Ҳайитова ҳамда Шарифа Аҳмедова каби чевар теримчилари ҳар куни 50—60 килограммдан «оқ олтин» теришяпти.

Бригаданинг чексиз пахтазорларида қиз жувонларнинг, ҳашарчиларнинг меҳнат симфонияси янграмоқда. Эртага индин эса бу симфония ғалаба нашъасига уланиб кетади.

* * *

Ҳа, Ўзбекистон райони юбилей йилида Фарғона области районлари ичида ўзига хос шиддат билан бормоқда. Долзарб кунларда район хўжаликларининг барчаси ва улардаги 234 та пахтачилик бригадаси республика партия ва ҳукуматининг оташин Мурожаатига амалий иш билан жавоб беришга астойдил ҳаракат қилмоқда.

Айни пайтда районнинг 55 минг тонналик улкан «оқ олтин» хирмонини тез орада бунёд этиш учун сафарбарлик янада қизғин тус олган. Ҳозирги пайтда район пахтазорларида 27400 нафардан ортиқ кекса-ёш фидокорона меҳнат қилмоқда. Уларнинг куч-ғайратлари туфайли ҳар куни 500—600 тонна миқдорида хом ашё тайёрланиб районнинг пахта хирмони тобора кўкка бўй чўзмоқда.

Районнинг 4000 га яқин коммунисти ўзларининг ўрнини беш йилликнинг иккинчи йили зарварағини яратишда деб билиб бугун жасорат майдонига айланган пахтазорда «оқ олтин» ижодкорларига иш боши бўлиб келишмоқда. Демак, коммунистлар бор экан, зафар марраларини қучиш фурсати яқин.

А. УСМОНОВ.



Коммунист Зариф Ҳайитов бошлиқ бригада азаматлари давлатга пахта сотиш йиллик планини Қарши районидаги «Москва» совхозида биринчилар қатори уддалаган эдилар. Тадбиркор деҳқонлар гектаридан 35 центнердан кўрик дурдонаси йиғиштириб олишди. Ҳозир улар социалистик мажбурият ҳисобига хом ашё топшириб, ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

СУРАТДА: пешқадам бригада хирмонига салмоқли ҳисса қўшган механик-ҳайдовчи Санъат Ризвонова.

Ш. ШАРОПОВ фотоси.

ХИРМОНЛАРДА ҲИССАМ БОР

Республикамизнинг барча пахтакорлари қатори бизнинг асосий диққат-эътиборимиз ҳам қалб қўримиз билан етиштирилган ҳосилни нес-нобуд қилмай тез ва тоза териб олишга қаратилган. Ахир 350 тонналик бригада хирмонини яратиш хазилакам иш эмас. Ҳамма хирмонга муносиб улуш қўшиш иштиёқида бугун кечагидан, эртага бугунгидан кўпроқ ҳосил теришга астойдил интилмоқда.

Бригадамизда пахта йиғим-терими давом этаётир. Терган ҳосилимизни тайёрлов пунктига пешма-пеш етказиб беришда тракторчи Жуманазар Қодировнинг хизмати айниқса катта.

Мен мана қарийб саккиз йилдан бери Сайдим Сафоев бош бўлган бригадада ишлайман. Дастлабки пайтларда мавсум охиригача уч-тўрт тоннадан пахта терардим. Кейинги йилларда тажрибамни ошириб, бу кўрсаткични 8—10 тоннага етказмоқдаман. Бу йил мавсум давомида СССРнинг 60 йиллик юбилейи шарафига бошланган ҳаракатга қўшилиб, 13 тонна пахта териб топширишга сўз берганман. Бу довонни албатта эгаллайман.

Биз теримчилар доим мусобақалашишга одатланганмиз. Ҳар куни ким қанча пахта тергани эълон қилиб борилади, мусобақа ғолиблари рағбатлантирилади. Мусобақадош дугоналаримдан Зулайҳо Раҳимова, Ёқутжон Жуманиёзова, Гавҳар Йўлбарсовалар теримда олдинда боришмоқда. Улар ҳозир кунига 100—120 килограммдан хом ашё териб, ҳамкасбларига ўрнак бўлишаётир.

Биз унумли меҳнат қилаётганимизга асосий сабаб колхоз правлениеси томонидан ҳамма шарт-шароитлар тўла яратилганлигидадир. Иссиқ овқат, сабзавот маҳсулотлари мунтазам бериб турилади.

Колхозимиз партия ташкилоти бригадалар ўртасида социалистик мусобақани яхши йўлга қўйган. Илғорлар моддий ва маънавий томондан рағбатлантириляпти. Бригадамиз пахтакорлари пахта тайёрлаш йиллик планини 1 октябрда бажарган эдилар. Социалистик мажбуриятимизни ҳам муваффақиятли уддаладик. Ҳозир оширилган мажбурият ҳисобига ишлаяпмиз.

З. НИЁЗМАТОВА,
Хива районидаги «Хива» колхозининг кўпмингкилограммчи теримчиси.

ШАХСИЙ ЎРНАК КЎРСАТИБ

Ленин йўли районидаги Ленин номли совхознинг энг яхши бригадаларидан бири бўлган А. Жумаев бригадаси ҳар гектар ердан 47 центнер пахта ҳосили йиғиштириб олди. План топшириғи деярли бир ярим баравар ортиғи билан бажарилди. Бригаданинг ҳамма ишчилари, уларнинг оила аъзолари аввалгидек далада меҳнат қилиб, ҳар куни планнинг 1—1,5 проценти миқдорида пахта тайёрламоқдалар. Илғор коллектив СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини 50 центнерлик ҳосил билан нишонлашга қарор қилди.

Бригада меҳнат муваффақиятларида агитатор К. Бўроновнинг хизматлари катта. Пахтакорлар унинг терим мавсуми зарбдорлари тўғрисидаги, энг яхши механизаторлар ва қўл терими усталарининг тажрибаси ҳақидаги ҳикояларини зўр қизиқиш билан тинглайдилар. Агитаторнинг ўзи ҳосил учун курашда бевосита иштирок этганлиги учун ҳам унинг ҳикоялари янада ишонарли бўлиб чиқади. К. Бўронов — механик-ҳайдовчи. У машина бункеридан 250 тонна пахта тўкиб, олинган мажбуриятини бажарди ва ҳозир кўрак теримида зарбдорларча меҳнат қилмоқда.

(ЎзТАГ мухбири).
Сурхондарё области.

ТЎРАҚЎРҒОН ЛИМОНИ

Ям-яшил лимонзор орасидамиз. Шода-шода пишиб ётган олтин ранг лимонлар кўзни қамаштиради. Лимонларнинг ёқимли, хушбўй ҳидлари димға ором беради.

— Булар 1979 йилда экилган, — дейди ҳамроҳимиз, Ўринбой Жалилов номли хўжаликлараро лимончилик комплексининг бош агрономи Исломжон Азимов.— Уч ёшли, майер навли лимонлар.

— Ҳар бирида неча донадан ҳосил бор? — сўрадик агрономдан.

— Энг кўпида 298 дона лимон санадик.

— Бир тупда 298 та!

— Яқинда қишлоқ хўжалик бошқармасидан мутахассислар келиб ҳосилни апробациядан ўтказишди, — сўзини давом эттирди Исломжон ака. — Баҳорда дўл уриб кетган 17 минг донаси ҳисобга олинмаганда, камида 35 минг дона лимон ҳосили етиштирилганлиги аниқланди.

Бу— Тўрақўрғон лимонзорларида етиштирилган биринчи мўл ҳосил. Ўтган йили 2700 дона лимон узиб олинган эди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг ташаббуси, район партия комитетининг ташкилотчилиги билан лимончилик комплекси қурила бошланганлигига эндигина уч йил бўлди. Ҳозир комплекс коллективи ўн икки кишидан иборат. Цитрусчилар тўрт гектар ерда боғдорчилик қилишаётир. Ана шу ерга 30 секциядан иборат теплица қурилган. Уларнинг ҳар бирида 33—40 тадан, жами 1400 тупдан зиёд лимон дарахти парвариш қилинмоқда.

Лимонзор саранжом-саришта. Ҳар бир туп лимон меҳр ва муҳаббат билан парвариш қилинаётганлиги бир қарашдаёқ сезилиб турибди. Лимонларнинг мевали шохлари синиб кетмаслиги учун ихлос билан канопда тортиб боғланган. Дарахтларнинг таглари юмшатилган. Боғбон Каримжон Қодировни янги ниҳолларни парвариш қилиб турган чоғида учратдик. У яқинда Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида бир йил таҳсил олиб қайтибди.

— Бирлашма олимлари, — дейди К. Қодиров, —бизга лимон етиштириш бўйича зарур маслаҳатлар ҳамда яқиндан ёрдам бериб туришибди.

Лимонарий ишчиларидан Ваҳобжон Азимов, Муҳаммаджон Камолов, Ҳамидулла Убайдуллаевлар ғайрат кўрсатиб меҳнат қилишаётир. Улар ерларни ўғитлаш, зараркунандаларга қарши ишлов беришни сифатли бажаришмоқда.

Комплекс иши билан танишар эканмиз, унинг келажаги ҳақида ўйладик. Лимон нечоғлик шифобахш мева эканлиги қадимдан маълум. Унинг Тўрақўрғонда етиштиришга киришилганлиги ғоят хайрли ишдир. Шунинг учун ҳам бу ишни қатъият билан давом эттириш керак. Келгусида лимонарийнинг умумий майдонини 25 гектарга, ҳосил миқдорини 14 миллион донага етказиш кўзда тутилган. 1985 йилга бориб, ҳар гектар ердан 300—350 минг донадан лимон ҳосили етиштириш, ҳар гектар ер ҳисобига 110—115 минг сўмдан даромад олиш мўлжалланган.

Бу ўз-ўзидан амалга оширилиб қолмайди, албатта. Бунинг учун жадал суръат билан теплица қурилишини давом эттириш, тайёрланаётган кўчат миқдорини кўпайтириш керак. Бу йўлда ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар бор. Ҳозир лимонарийда 600 килограммга яқин плёнка бор, холос. Мавжуд теплицаларни ёпиш учун яна камида 10 тонна плёнка, 10 минг квадрат метр сим тўр, 25 тонна металл керак.

Комплекс маъмурияти бир неча бор мурожаат қилишига қарамасдан район, область, қишлоқ хўжалик бошқармалари, республика Қишлоқ хўжалик министрлигининг эътиборидан бу муҳим масала четда қолмоқда. «Облсельхозхимия» идораси раҳбарлари ваъдадан нарига ўтмаяптилар. Колхозлар эса взносларни ўз вақтида тўлашмаяпти. Шу йил учун 95 минг сўм ўрнига 54 минг сўм пул ўтказилгани бунинг далилидир. Агар комплекс етарли миқдорда маблағ ҳамда материаллар билан таъмин этилмаса, табиийки, уни қуриш ва ривожлантириш ишлари ҳам чўзилиб кетади. Теплица вақтида ёпилмаса, совуқ тушиши билан янги ниҳолларни кўчиришга тўғри келади. Бу эса уларнинг ўсиш ва ҳосилга кириш муддатини узайтириб юборади.

Комплекс ишчиларига яратилган шарт-шароитлар ҳам талабга жавоб бермайди. Маъмурият вагонда ишламоқда. Лимонарий район марказидан четроқда жойлашгани учун транспортга зарурият сезилмоқда. Коллективга хизмат кўрсатадиган алоҳида машина ажратилмаган.



Ҳар бир бошланган эзгу иш ниҳоясига етказилиши керак. Айниқса, бу масала КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми тарихий қарорларини, СССРнинг Озиқ-овқат программасини амалга ошириш учун киришилган бир пайтда жуда муҳим аҳамият касб этаётир.

— Комплекс қурилишини жадаллаштириш борасида таклифимиз бор, — дейди комплекс директори Ж. Турғунов биз билан суҳбатда.— Ҳар йили беш гектар ерни ҳашар йўли билан қуришга эришилганда, мақсадга мувофиқ бўларди.

Бу таклифда жон бор. «Ҳашар — элга ярашар» дейдилар. Тўрақўрғонликлар ҳашар йўли билан йирик спорт комплексини, «Ширин булоқ» дам олиш зонасини бунёд этдилар. Бутун мамлакатга машҳур Жангобар ва меҳнат шон-шуҳрат уйини қурдилар. Лимончилик комплексини ҳам шундай йўл билан қуриш учун уларда имкониятлар бор.


Мана, эзгу ният билан яратилган биринчи лимонзорлар, илк ҳосилни берди. Эндиликда Тўрақўрғон лимонининг шуҳратини ёйиш, эл дастурхони лимон билан узлуксиз таъминланишига эришиш тўрақўрғонликларнинг ўзларига, уларнинг СССР Озиқ-овқат программасини амалга ошириш йўлидаги ташаббус ва ташкилотчиликларига боғлиқ.

А. АБДУЖАЛИЛОВ.
Наманган области.

Тўрақўрғон районидаги хўжаликлараро лимончилик комплексида ҳосил пишиб етилди.

СУРАТДА: боғбон Муҳаммад Камолов ҳосил чўғидан мамнун.

Б. Солиев фотоси.



Сирдарё ГРЭСи бугунги кунда фақат Ўрта Осиёдагина эмас, балки мамлакатдаги йирик нурхоналардан бири бўлиб қолди. Азамат бунёдкорларнинг яратувчилик меҳнати билан вужудга келтирилган ўнта энергоблокда ҳосил қилинган электр энергиясн саноат корхоналарига, қишлоқ хўжалик объектларига, шаҳар ва қишлоқларга узлуксиз равишда етказиб берилмоқда. ГРЭС билан бир га унинг яқинида қурувчилар ва энергетиклар шаҳри —Ширин қад ростлади. Ширин шаҳарчаси кундан-кунга обод бўлиб, чирой очиб боряпти. Бу ерда кўплаб уй-жой ва маданий-маиший объектлар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Бир сўз билан айтганда қурувчилар ва энергетиклар учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериляпти.

Суратда: Ширин шаҳарчаси кўчаларидан бирининг кўриниши. А. Тўраев фотоси.

ГАЗЕТХОН ИЛҲОМИ

НОН ИЛА

Рўзғоримиз тўқлигин нишонаси меҳмон ила,
Меҳмону мезбон юзи нурли, боиси нон ила.
Нон қадрин англамоқ эрсанг бободардан сўра,
Момолар ҳам сўйлагай, гар сўрасанг имкон ила.
Недир бахт деб сўрсалар, ердан дон ундирмоқ, дегум,
Дон қадрин англагай ким ҳамнафас деҳқон ила.
Нон учун жонини қурбон айлаганлардир сероб,
Тўқ замона келди бизга беҳисоб қурбон ила.
Ҳаёт мезони эрур тўқлигу шўхлик, дўстлар,
Она-ер тупроғи дур, ул бизга берган дон ила.
Деҳқоннинг тўккан тери биз учундир тутиё,
Тутиё қадрига етмоқ онга кирган қон ила.
Нон улуғ, қадрига ет, тўқдир элинг шукрона қил,
Эй Раҳим, унутмагин боисини виждон ила.

Исмоил РАҲИМОВ,
Иштихон районидаги «Меҳнат-роҳат» колхозининг раиси.

ҚАТРАЛАР

Пўстини чақолсанг мағиз сенмки,
Сўзини айтолсанг мажлис сенмки.

Олдинда борганга марду майдон жанг,
Орқада қолганга фақат қўнар чанг.

Одамсан, қудратинг тоғдан ҳам баланд,
Шу қудрат минбарин ёдда тут албат.

Ақл лашкарига йўқ асло тараф.
Занг босмай, тиғини жўнат ҳар тараф.

Аввалда, ҳозирда, келгусида ҳам,
Оламга подшохсан шаҳсувар одам.

Оналар йиқилган боласин сезар,
Оталар билади қўзғалса хатар.

Тўхтаган юракни юргизар дўстлик,
Уззу кун оёққа турғизар дўстлик.

Одам бўлиб туғилмоқлик бу бир ҳол,
Аммо яшаш одам бўлиб, бу маҳол.

Турғун НУРМАТОВ,
Тошкент районидаги Собир Раҳимов номли колхоз аъзоси.

Қишлоқ спортчилари ҳаётидан

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Мустаҳкам соғлиқ гарови бўлган физкультура ва спортни ривожлантириш, унинг оммавийлигини таъминлаш борасида қатор ибратли ишларни амалга оширяпмиз. Ҳозирги пайтда районимиз ва шаҳримиздаги хўжалик ва ташкилотлар ихтиёрида 20 та футбол, 50 та волейбол, 30 та баскетбол, 34 та қўл тўпи майдончалари, 6 та мерганлик манзилгоҳи, 3 та сузиш ҳавзаси мавжуд. Ҳар йили кўплаб маҳоратли спортчиларимиз область ва республика мусобақаларида қатнашиб, яхши натижаларга эришишяпти. Бугунги кунда бизда 26 минг 971 нафар спортчи бўлиб, улардан 2 киши мастерликка номзод, 35 нафари эса биринчи ва иккинчи разряд соҳибидир. ГТО нишондорлари сони 1000 нафардан ошиб кетди.

Ҳар йили спорт турлари бўйича кўплаб мусобақалар ўтказамиз. Чунончи, ўтган йили бўлган 9 мусобақада 2500 дан зиёд спортчи йигит-қиз иштирок этди. Шунингдек, район «Ғалаба» газетаси, Майна Ҳасанова совринлари ва «Оқ олтин» кубоги учун ўтказилаётган биринчиликлар ёшлар маҳорати ошишида муҳим роль ўйнаяпти. Барча баҳсларда «Пахтакор» қишлоқ кўнгилли спорт жамияти, район ва шаҳар халқ маорифи бўлимлари қошидаги «Ёш куч», ёшлар спорт мактаби, Куйбишев номли, Карл Маркс номли колхозлар, «Шарқ юлдузи», «Китоб» совхоз-заводлари, «Госкомсельхозтехника район бирлашмаси ёшдари фаол иштирок этишяпти.

Мусобақаларни ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан ўтказишда жамоатчи инструктор ва судьяларнинг хизмати катта бўляпти. Айни пайтда 2586 нафар жамоатчи инструктор, 2546 нафар судья меҳнат коллективларида спортни ривожлантириш йўлида ҳамкорликда фаолият кўрсатмоқда. Норбиби Турсунова, Миша Аблякимова, Усмон Шавриқов, Ванда Шуриклар ана шулар жумласидандир.

Хўжаликларда жисмоний тарбия ишларини ривожлантиришда «Пахтакор» қишлоқ кўнгилли спорт жамияти ибрат кўрсатмоқда. Қишлоқ спортчилари барча мусобақаларда актив иштирок этишяпти. Куйбишев номли, Карл Маркс номли колхозлар, «Шарқ юлдузи», «Зарафшон» совхозларида жисмоний тарбия ишлари яхши йўлга қўйилган.

Ишимизда ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳам мавжуд. Район ва шаҳримизда замонавий спорт базаси йўқ. Бу йил район партия комитети бюроси район комсомол комитетининг ҳашар йўли билан стадион қуриш тўғрисидаги ташаббусини маъқуллади. Бу албатта қувончлидир. Зеро, физкультура ва спортнинг оммавийлигини таъминлашда ҳамкорлик яхши самара бериши табиийдир.

Бир сўз билан айтганда, районимизда физкультура ва спортни ривожлантириш соҳасида эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, оммавийликни таъминлаш учун бундан буён ҳам ибратли ишларни амалга ошираверамиз.

А. УМАРОВ,
Китоб район физкультура ва спорт комитетининг раиси.

«ТАБИАТ ВА ИНСОН» КОНКУРСИГА

ГЎЗАЛЛИККА ОШИФТА КЎНГИЛ

Одатдаги иш куни якунланаётган қишлоқ сукунат бағрига чўмди. Гўё борлиқ уйқуга кетгандай мудрай бошлади. Бўм-бўш бўлиб қолган кўчадаги дераза ларнинг биридан ёруғлик тушиб турибди. Бу Янгийўл районидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз бош энергетиги Анвар Одилов уйи. У иш столи узра эгилган. Она аъзоларининг ҳаммаси уйқуга ётган. Ҳеч ким унга сезимли машғулоти тулуплар тайёрлашга халақит бермайди.

Ов мавсуми бошланганда маҳаллий овчилар ўзлари колхоз бошланғич овчилар коллективига раис қилиб сайлаган А. Одиловга ўрдаклар, лойхўраклар, беданалар терисини келтириб беришади. Илгари бу терилар деярли ташлаб юборилар ди. Анвар қўлларида жониворларнинг тулупларига гўё жон киргандай бўлади, улар табиат бағрида қандай бўлса, шундай қиёфа олади. Унинг қўлидан чиққан тулупларга назар солар экансиз, салгина ҳаракат қилишинг билан гўё ўрдаклар учиб кетадигандек, тулкилар қочиб қоладигандек, ондатра ва лақабалиқлар сувга ташланадигандек туюлади кишига.

Анвар тулуплар тайёрлаш билан кўпдан бери шуғулланади. Буни жонли табиатга эҳтиётқорлик билан муносабатда бўлишни тарғиб қилишда муҳим иш деб ҳисоблайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, Тошкентдан боришўғи ўттиз километрча узоқликдаги колхоз боғида. Бўзсув бутазорларида кечқурунлари қирғовуллар товушин эшитилиб туришига ажабланмаса ҳам бўлади. Эртаклардаги дамларда эса бўрсиқ, чўл олакўзани, тулкиларни кўриш мумкин. Бу ерда бирорта ҳам маҳаллий овчи қушлар ва ҳайвонларга ўқ отмайди, аксинча, шу ерларда яшайдиган жониворларни чақирилмаган «меҳмон»лар — тартиббузарлардан кўз қорачиғидек асрайди.

Анвар Одилов ўқувчилик пайтида Сирдарё соҳилида қайси бир тартиббузар кўнгил очди учун отган қўл чағаларини топиб олди-да, уйига олиб келиб, тулуп тайёрлаш билан шуғулланди. У кейинчалик бу ишга чинакам ихлос қўйди ва бу борадаги маҳорати тобора ошаборди, тулуп тайёрлаш унинг учун одатдаги ва зарурий иш бўлиб қолади. Анвар етти йиллик мактабни тамомлаганидан кейин Ўзбекистон ССР Маориф халқ комиссарлиги ҳузуридаги музей ходимлари тайёрлаш курсига ўқишга кирди. Курсни битиргач, республика табиат музейида ишлай бошлади. Меҳнатсеварлик руҳида тарбияланган Анвар Одилов ҳеч қачон енгил ҳаёт йўлини танламади.

Урушгача бўлган йилларда табиат музейида етиш маидиган ҳайвонларнинг янги-янги турларини излаш, жониворлар феъл-атворини ўрганиш мақсадида жанубигарбий Тянь-Шань, Фарғона водийси, Қорақум ва Қизилқумнинг жазирама иссиқ саҳроларига экспедициялар уюштирилади. У ана шу экспедицияларда фаол қатнашди.

Ёз кунларидан бирида у эрталаб навбатдаги экспедицияга жўнар экан, радиодан тилларни босқинчилар она-Ватанимизга хиёнаткорона бостириб кирганлиги тўғрисидаги хабарни эшитиб қолди. Анвар ўзининг ижодий изланишларга бой севимли ишини қолдириб, биринчилар сафида она-Ватанни ҳимоя қилиш учун фронтга жўнади. Кавказ ва Сталинградни мудофаа қилишда икки марта яраланди. Аммо ҳар сафар госпиталларда даволаниб чиқиши билан дарҳол фронтга йўл олди ва артиллерия батареясининг ўт очиш взводига командирлик қилди. У Галаба кунини Будапештда нишонлади.

Анвар Одилов фронтдан қайтгандан кейин эндиликда колхоз ишининг ажойиб раҳбари ва ташкилотчиси Ҳамроқул Турсунқулов номи билан аталган қадрдон колхозида ишлай бошлади.

Уни бир неча бор уруш туфайли унутилиб кетган табиат музейида ишлашга таклиф этишди. Аммо ҳар сафар бу таклифни рад этиб, бундай дерди:

— Колхоз ҳали ёш, унга мутахассислар керак. Тулупларни эса кечаси уйда тайёрлаш мумкин.

У шундай қилди, кечаю-кундуз тиним билмади. Жонажон колхозида ишлаган йиллари мобайнида унинг кўксини ҳарбий нишонлардан ташқари иккита «Шавкатли меҳнати учун» медали безади. Анвар Одилов ишдан бўш вақтларида ижодий иш билан шуғулланиб, йиллар ўтган сари қушлар ва ҳайвонлардан уйида ўзига хос табиат музейи яратди. Экспонатлар билан кўпчилик танишиш имкониятига эга бўлиши учун у колхоз раиси Усар Жўраевга мурожаат қилиб, табиат музейи ташкил этишни таклиф қилди. Колхоз раҳбарлари унинг бу таклифини қўллаб-қувватладилар. Шу тариқа Узбекистонда биринчи колхоз табиат музейи пайдо бўлди. Унинг ташкилотчиси А. Одилов 1976 йилда СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида қатнашишга мушарраф бўлди. Табиатни тарғиб қилишда эришган ютуқлари учун у кўргазманинг бронза медали билан тақдирланди.

Колхоз табиат музейи кенг ва ёруғ бинода жойлашган. Яқин атрофдаги мактабларнинг ўқувчилари табиатшунослик ва зоология дарсларини шу ерда ўтказишади.

—Табиат музейи мактаблар учун ниҳоятда зарурдир, —дейди А. Одилов суҳбат пайтида. — У ўқувчиларни ўлкамизда яшайдиган ҳайвонлар ва қушлар билан яқиндан таништирибгина қолмасдан, балки уларнинг феъл-атворини ўргатишда қулайлик туғдиради.

Область, шаҳар ва район овчилар коллективларида ҳам табиат музейлари бўлса, нур устига аъло нур бўлур эди. Бу ёш овчиларга «СССР Қизил китоби»га ёзилган иодир ҳайвонларни билиб олишда ёрдам беради, ов қилинадиган турларни маизарали хилларидан ажратишда, табиат бойликларини авайлаб-асрашда катта роль ўйнайди.

—Табиат музейлари учун шунча материални қаердан топса бўлади? —деб сўрадим ундан.

— Бундай музейларни ташкил этиш учун бизда ҳамма шароитлар бор, —дея иштиёқ билан сўзлай бошлади у. —Аввало тулуплар тайёрлаш билан шуғулланадиган кишиларни аниқлаш керак. Материаллар йиғиш устида гап кетадиган бўлса, бу масалани ҳам осон ҳал этиш мумкин: мавсум даврида овчилар турли хил қушлар ва ҳайвонларни қўлга туширадилар. Уларнинг терисидан тулуплар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

...Дам олиш куни эрталаб Бўзсувга борадиган таниш кўчадан боряпман. Атроф жимжит. Колхоз далаларидан тракторларнинг садоси эшитилади. Рўпарадаги эшикдан елкасига ҳалталчасини илиб олган Анвар Одилов чиқди. Ҳар доим кувноқ ва дилкаш бу киши яна йўлда. Ў ҳар галгидек бу сафар ҳам табиат бағридан зўр завқ-шавқ олиб қайтишига шубҳа йўқ.

В. МОИСЕЕВ,
Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш республика жамияти Президиумининг ҳайвонот оламини кўриқлаш секцияси аъзоси.

✦ШАХМАТ

МЕҲМОН ОЛДИНДА

Азмиддин Хўжаев хотираси учун ўтказилаётган анъанавий турнир ниҳоясига етмоқда. Унда республикамиз вакиллари билан бирга мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларидан келган шахматчилар ҳам ғолиблик иштиёқида дона суришяпти.

Шуни айтиш керакки, «Ўзбекистон физкультурачиси» — «Физкультурник Узбекистана» газетаси совриии учун ўтказилаётган ушбу мусобақада бокулик мастер Э. Магеррамов пешқадамлик қилмоқда. У саккизинчи ва тўққизинчи турларда москвалик В. Шпилькер ва республикамиз вакили С. Нодирхоновлар билан ўйнаб, уларни таслим бўлишга мажбур этди. Натижада тўққиз турдан кейин унинг ҳисобидаги очколар 7,5 тага етиб, турнирда ягона пешқадам бўлиб турибди.

Иккинчи-учинчи ўринларни республикамиз чемпиони В. Логинов билан москвалик халқаро гроссмейстер Р. Холмовлар банд этиб туришибди. Улар ҳисобида олтитадан очко бор. В. Логинов саккизинчи турда А. Цамрюк билан ўчрашиб, тўла устунликка эришди ва рақибини енгилганини тан олишга мажбур этди. Тўққизинчи турда эса Логинов ҳамюрти С. Загребельнийни мағлубиятга учратди.

Москвалик гроссмейтер эса саккизинчи турда С. Загребельний билан дуранг ўйнаб, тўққизинчи турда спорт мастери С. Пинчукни енгди.

Бундан кейинги ўринларда Тимошенко ва Қаюмовлар боришяпти.

✦САМБО

БИЛЛУР СОВРИН СОҲИБИ

Донецк шаҳрида самбо бўйича СССР кубоги ниҳоясига етди. Унда 13 иттифоқдош республикалар, Москва ва Ленинград шаҳарларидан келган 250 спортчи иштирок этди.

Шуни таъкидлаш керакки, СССР кубоги мусобақаларида қолиб чиққан самбочилар 1983 йилда бўладиган жаҳон кубогида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлур эди. Шундан бўлса керак, барча вазнларда қизғин кураш борди.

Биллур совриндан баҳсларда республикамиз самбочилари орасида андижонлик В. Сооднрев айниқса муваффақиятли қатнашди. У энг оғир вазнда беллашиб, барча рақибларини мағлуб этди ва ҳурмат шоҳсупасининг биринчи погонасига кутарилди.

Қолган вазнларда қуйидаги самбочилар биринчи ўринни эгалладилар: А. Ходирёв, (Москва «Динамо») В. Белов (РСФСР, «Меҳнат резервлари»), М. Стенников (РСФСР, «Динамо»), А. Саянин (РСФСР, Қуролли кучлар), Н. Мадьяров, Н. Баранов (иккаласи ҳам РСФСР «Меҳнат резервлари»дан) М. Рамазонов (Белоруссия, Қуролли кучлар), В. Чингин (Ленинград «Динамо»).

✦БОКС

КУЧЛИЛАР БАҲСИДА

Ҳар йили СССР мутлақ чемпионатини ўтказиш анъанага айланиб қолди. Яқинда Москвадаги «Крилья Советов» спорт саройида СССРнинг бу йилги мутлақ чемпионати бошланди.

Баҳсларни бокс бўйича жаҳон кубоги соҳиби, воронежлик Валерий Абаджян билан гомеллик Алексей Юковлар биринчи бўлиб бошлаб беришди.

Саралаш мусобақаларида барча рақибларини енгиб, голиб бўлган боксчи мамлакатимизнинг икки бор мутлақ чемпиони, ленинградлик Вячеслав Яковлев билан 4 декабрь куни финал баҳсида учрашади. Финалда ютиб чиққан кучли боксчи олтин медаль билан бирга «Неделя» ҳафталигининг совриии —«Биллур қўлқоп» билан тақдирланади.

ҚИШЛОҚ ҲАЁТИНИНГ КЎЗГУСИ

Хатлар, хатлар... Уларнинг бирида тобора чиройинга-чирой қўшилиб, обод бўлиб бораётган қишлоқлар тилга олинса, иккинчисида дала меҳнаткашларига намунали медицина хизматн кўрсатаётган шифокорлар хизмати нақл этиладн. Яна бир хатда колхоз-совхозлар болалар боғча-яслнси фаолиятн қаламга олинса, бошқасида қишлоқ хўжалик-техникa билим юртларида ёшларга касб-ҳунар ўргатиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар тўғрисида ҳикоя қилинади. Қисқаси, жамоатчи мухбирлардан редакциямизга келаётган хат-хабарларни бир сўз билан айтганда қишлоқ ҳаётининг кўзгуси, дейиш мумкин. Қуйида ана шундай хат-хабарларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

ОДАМЛАР САЛОМАТ БЎЛСИН ДЕБ

Янкабоғ пахта тозалаш заводи санаторий-профилакторийси медицина ходимлари кейинги йилларда ишчи-хизматчиларнинг даволаниш ва ҳордиқ чиқаришларини таъминлаш мақсадида талайгина зарур тадбирларни амалга ошираётирлар. Ушбу медицина муассасаси бош врачи Жалолиддин ака Акбаров билан суҳбатлашганимизда, у санаторий-профилакторий корхонаси ва заводга қарашли тайёрлов пунктларининг ишчи, хизматчи ва инженер-техник ходимларигагина эмас, барча район қишлоқларида яшовчи аҳолига ҳам тиббий хизмат кўрсатилаётганлигини таъкидлади.

Бу ерда кишиларнинг ўз саломатликларини тиклаши, дам олиб ҳордиқ чиқариши йўлида 10 дан зиёд медицина ходими намунали хизмат кўрсатмоқда. Саломатлик посбонлари ҳар бир беморга нисбатан ҳушмуомаласи ва тадбиркорлиги билан кўпчилик ҳурмат-эътиборига сазовор бўлмоқда. Санаторий-профилакторий хоналари ҳамиша тоза ва озода. Уларда беморларнинг даволаниш ва дам олишлари учун барча қулайликлар яратилган.

—Мен кўпдан бери бел ва оёқ оғриғидан қийналиб келардим, —деди пахта тозалаш заводи ишчиси Зайтуна Зокирова. —Санаторий-профилакторийга келганимга 20 кундан ошиб қолди. Шу ўтган вақт ичида дардим анча енгиллашди. Бунинг учун бу даволаниш даргоҳи шифокорларидан беҳад миннатдорман.

Биз бу ерда «Қизил юлдуз» колхози аъзоси Холчучук Гузорова, шунингдек, бошқа беморлар — Саломат Турсунова, Ойдин Рустамова, Абдусалом Хакимовлар билан суҳбатлашганимизда ҳам улар ўзларига беминнат тиббий хизмат кўрсатаётган, даволаш ва профилактик тадбирларни оқилона ташкил этаётган врачлардан Ҳаёт Мухторова, ҳамшираларГаля Вильданова, Замира Сафина, Покиза Ибодуллаева, Комила Тўраева ва бошқалардан мамнун эканликларини билдиришди.

М. МУСТАФОЕВА.
З. НОРМУРОДОВА.

ОТА ИБРАТИ

Ҳамро акани Навоий районидаги «Нарпай» совхозида кўпчилик яхши билади, ҳурмат қилади. Бундай шарафга у меҳнатни севиб, қадрлаганлиги туфайли мушарраф бўлди. Халол меҳнат уни камол топтириди ва элга танитди.

Ҳали-ҳали эсида. Ҳамро ака «ХТЗ»дан тортиб то бошқа янги маркадаги тракторларни ҳам бошқарди. Механизаторликдан эл ўртасида обрў-эътибор қозонди. Бинобарин, талайгина шогирдлар ҳам тайёрлади.

—Ҳамро акага ҳаммамиз ҳавас қиламиз, —деди мамнунлик билан совхоз бош агрономи В. Беззубахин. — Салкам 70 ни қоралаб қолган бу ветеран механизатор ўз сергайратлигни билан баъзи ёшларни ортда қолдиради.

Ҳамро ака Худоёров фақат илғор механизатор, мураббийгина эмас, балки у ибратли оиланинг муносиб отаси— посбонидир. Унинг беш фарзанди ва 22 нафар невараси бор.

Фарзандлари ҳам улғайиб, коммунистик мўл-кўлчиликни таъминлаш ишига ўзларининг муносиб улушларини қўшиб келишяпти. Чунончи, Ҳамро аканинг катта ўғли Шоим ота касби —механизаторликни танлаган. У совхознинг 2-бўлимидаги пешқадам механизаторлардан ҳисобланади. Отанинг яна бир ўғли Ҳожи ҳам механизатор. Ҳожи ҳозир Навбаҳор районидаги қўриқ «Дружба» совхозида меҳнат қилмоқда. Тамара, Хадича ва Барногуллар эса пахтакор.

Қирқ етти йилдан бери механизаторлик касбини шарафлаб келаётган Ҳамро ака ҳамиша сафда. У юбилей йили «оқ олтин» хирмонини бунёд этиш учун баҳоли қудрат ўз улушини қўшмоқда. Ўз трактори билан «Нарпай» совхози 2-бўлими далаларида етиштирилган «оқ олтин» ҳосилини қабул пунктларига етказиб беришда ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Д. МАВЛОНОВ,
Навоий области.

ҲУНАР ВА БИЛИМ ДАРГОҲИ

Охунбобоев районидаги 31-қишлоқ ҳунар-техника билим юрти республикада хизмат кўрсатган ирригатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Бузрукхўжа Усмонхўжаев номи билан аталади. Бу ҳунар ва билим даргоҳи фаолият кўрсата бошлаганига ҳам қарийб 18 йил бўлди.

Эндиликда ёшларнинг севимли масканига айланган мазкур даргоҳ ўзи ташкил этилган дастлабки йили қўримсизгина бинога жойлашган бўлиб, йигит-қизларга 2—3 турдаги касб ўргатиларди, холос. Бугунги кунга келиб қишлоқ ҳунар-техника билим юртининг моддий-техника базаси анча мустаҳкамланди, шунингдек, у малакали кадрлар билан таъминланди. Ҳозир бу ерда таълим-тарбия ишлари барча қулайликларга эга бўлган комплексда олиб борилмоқда. Кўргазмали қуроллар, техникавий асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланган бешта лаборатория, 21 та дам кабинети, амалий машғулотлар учун мўлжалланган турли маркадаги қишлоқ хўжалик машиналари касб-ҳунар ихлосмандлари ихтиёрида.

Юқоридагилардан ташқари, 8 минг китоб фондига эга бўлган кутубхона, спорт комплекси, бир вақтнинг ўзида 150 хўрандаиниг овқатланишига мўлжалланган ошхона ўқувчиларга намунали хизмат кўрсатмоқда. 330 ўринли шинам ётоқхонада ҳам ўқувчиларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун барча зарур шароитлар муҳайё этилган.

К. СОЛИЕВ.
Шунингдек, тошкентлик Т. Дўсонов, самарқандлик С. Юнусов, навоийлик И. Ҳасанов, Ш. Очилов, хоразмлик А. Хайтимметов, Р. Отахонов, қашқадарёлик Н. Тоғаев, А. Муқимов, жиззахлик О. Рустамова, Т. Бойназаров, А. Баротов, фарғоналик М. Шарипов, андижонлик А. Ваҳобов, Х. Турсунматов, бухоролик Ж. Йўлдошевлар ҳам редакциямизга турли мавзуда хат-хабарлар йўллашган.

Редактор
И. СУЛАЙМОНОВ.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

ШАНБА

27 НОЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 «Бурят жилолари». Фильм-концерт премьераси.
9.50 «АБВГДейка».
10.20 «Спортлотонинг 48-тираж».
10.30 «Ота-оналар, Сизлар учун».
11.00 «Жаҳон халқларининг ижоди». Монголия Халқ Республикасининг декоратив-амалий санъати.
11.30 «Ҳаракат хавфсизлиги учун».
12.00 Н. Осипов номли Давлат академик рус халқ оркестрининг концерти.
12.35 «Сизни қизиқтирган китоблар».
13.20 «Қалбга яқин қўшиқлар».
14.05 «Инсон. Ер. Коинот». Кўрсатувни икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси В. И. Севастьянов олиб борадн.
14.50 «Рус музейи». XIX аср биринчи ярми портрет жнвописи.
15.20 «Дунё воқеалари».
15.35 «Кеча келибоқ...». Телевизион бадиий фильм премьераси.
16.45 «Ҳайвонот оламида».
17.45 Сиёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский суҳбати.
18.15 «Гватемала — жароҳатлардан иборат гулчамбарлар». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Автор — сиёсий шарҳловчи Л. Новиков.
19.10 «Қуёш активлиги йили». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1- ва 2-сериялар.
21.30 «Время».
22.05 «Фигурачилар мавсумни очадилар».
23.05 Тожикистон телевидениеси ва радиоси «Гулшан» оркестрининг концерти.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.20 «Кураш». Бадиий фильм [МХР].
10.45 «Калуга вариантн». Телевизион ҳужжатли фильм.
11.35 «Тонгги почта» музикали программаси.
12.05 «Асли болаликдан». Л. Кассиль. «Кондуит ва Швамбрания».
13.00 Камер концерти. Свердловскдан олиб кўрсатилади.
13.20 ОЗАРБАЙЖОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ. «Ғанжик» [«Ёшлик»].
«Кўҳна Ғанжи янгиликлари». Кировобод ҳақида телевизион ҳужжатли фильм.
«Булоқ бўйида». Фильм-концерт.
15.00 «Нима? Қаерда? Қачон?». Телевизион викторина.
16.10 «Аср тенгдошн». СССР Бадиий академияси ҳақида ҳужжатли фильм.
17.00 «Музикали киоск».
17.30 «Ҳамма нарсани билишни истайман!». Киножурнал.
17.40 «Кинотомошабин ҳамроҳи».
18.25 Москва. Консерваториянинг Катта зали. Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси Катта симфоник оркестрининг концерти.
20.15 Халқаро обзор.
20.30 «Туннигиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Здоровье».
21.30 «Время».
22.05 «Кузги воқеа». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар.

● УзТВ I

9.55 Кўрсатувлар программаси.
10.00 Янгиликлар.
10.10 Телевизион миниатюралар театри.
10.55 «Инсон болаликдан бошланади».
11.25 «Киноредакция почтасидан».
12.10 «Шахмат мактаби».
12.40 «Шеърият дафтаридан». Ўткир Рашид.
13.00 «Золушка». Бадиий фильм [рус.].
14.30 «Инсон ва табиат».
16.55 Кўрсатувлар программаси.
17.00 «Дўстлик экрани». Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон телевиденнеларининг биргаликдаги программаси.
18.00 Болалар учун концерт.
18.35 «Мультипанорама». Кинокўрсатув.
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 «Цирк! Цирк! Цирк!».
20.30 «Ахборот».
20.50 М. Турғунбоева номли хизмат кўрсатган Давлат «Баҳор» рақс ансамбли солистларининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Йўқолган хазина». Бадиий фильм.
23.35 Кўрсатувлар программаси.

«КИШЛОК ХАКИКАТИ»
«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000, ТОШКЕНТ—П, ЛЕНИН КЎЧАСИ, 41*

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўрин босарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-54-33, 32-54-42. Масъул секретари — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-54-48, 32-56-25. Партия турмуши бўлими — 32-56-34, 32-56-22. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52, 32-56-39. Таржима бўлимлари — 32-33-81-42 56-37, 32-54-54. Сатира ва юмор бўлими — 32-54-52. Иллюстрация бўлими — 32-56-27, 32-58-83. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Нашрнёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 07524 Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босма хонаси. Тошкент шаҳри, Индекс 64543. А. 1172. 11